Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 234 (13.496).
13 ОКТЯБРЬ 1966 йил
ПАЙШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

Ўлмасхон Алибоева ва Амина Хўжаева ўртоқлар Андижон районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг пешқадам теримчиларидан ҳисобланади. Улар мавсумда ўн тоннадан «оқ олтин» териб беришга аҳд қилганлар. Шу кунларда бу чевар теримчиларнинг ҳар бири кунига 130-150 килограмм пахта териб, ўзаро мусобақада ҳамон ғолиб чиқяптилар. Суратда: Ўлмасхон Алибоева ва Амина Хўжаевалар.

У. Раҳимов фотоси.



МАЪНАВИЙ ПОКЛИК — ОЛИЖАНОБ ХИСЛАТ

Башариятнинг улуғ доҳийси В. И. Ленин социалистик жамият шароитида меҳнаткашлар оммасини тарбиялаш, маърифатли қилиш, ғоявий жиҳатдан чиниқтириш, янги ахлоқ, одоб, янги тартиб-қоидаларни чуқур илдиз оттириш биринчи даражали вазифалардан деб уқтирган эди. Шу билан бирга хусусий мулкчиликдан келиб чиқадиган ярамас хулқ-одатлар ва худбинлик асоратларига қарши шафқатсиз ўт очиш зарурлигини таъкидлаган эди. Улуғ Ленин коммунистик тарбия заминида эркин ва ҳур меҳнатни, инсоният бахт-саодати йўлида фидокорлик кўрсатишни, юксак ахлоқ эгасини, кишиликнинг эзгу ва гўзал ҳис-туйғуларини кўрарди. «Ёшлар союзининг аъзоси бўлиш, — деган эди В. И. Ленин, ўз меҳнати ва ўз кучини умум иш учун сарф қилиш демакдир. Коммунистик тарбия мана шундан иборат».

Бизнинг партиямиз Ленин васиятларини амалга ошира бориб, ўз даҳоси нурида, меҳр тўла бағрида, жўшқин революцион қалб ҳароратида ленинча авлодга мансуб миллион-миллион кишиларни камол топтирди. Совет кишиси ўзининг олижаноб фазилати, юксак ахлоқий ва беқиёс инсоний хусусиятлари билан янги жамият кишисининг ҳақиқий фазилатларини бутун башарият оламида намоён қилмоқда.

Совет кишисининг эътиқоди, қалб-туйғу ҳароратининг беғуборлиги, онг ва фикрининг тийран ва тиниқлиги, софдил ва самимийлиги унинг кундалик фаолиятида Ватан бахт-саодати йўлидаги курашида, меҳнатида, шахсий ҳаётида ўз ифодасини топмоқда. Етук, юксак ахлоқ эгаси бўлган кишининг фазилатлари уни қуршаб олган муҳитда яхши ҳис-туйғулар, ҳаваслар туғдира беради, инсон шаънини улуғлайдиган энг яхши хусусиятларни ёрқин акс эттиравериди.

Омманинг етакчиси, ташкилотчиси, тарбиячиси, ҳамма янги, илғор нарсаларнинг, прогрессив ғояларнинг оташин тарғиботчиси бўлган бизнинг партия ходимларимиз ўзларининг энг яхши хусусиятлари ва ажойиб фазилатлари, садоқат ва жасоратлари билан миллионлар назарида улуғ ҳурмат ва эътиқод уйғотмоқдалар, маънавий поклик, софдиллик ва ҳалоллик хисларини оммага чуқур сингдирмоқдалар, жамиятимиз аъзолари ўртасида коммунистик муносабатларни уйғунлаштирмоқдалар, янги ҳаёт анъаналарини худди боғбондек кенг илдиз оттирмоқдалар. Улар ўзларининг шахсий ибрат-намуналари билан меҳнаткашларни янги ишларга, янги зафарларга руҳлантириб, тараққиётнинг янги чўққиларга кўтарилишига бошчилик қилмоқдалар.

Ҳаётда умрни улуғлаш, шу умр маҳсули-меваси сифатида ўзидан бирор из, одамлар қалбида яхши таассурот, яхши ном қолдиришга интилиш — инсонни эъзозлайдиган олижаноб хусусиятдир. Аксинча, маиший бузуқлик-ичкиликбозлик, хотинбозлик, безорилик эски тузумнинг туғма доғлари, инсон шаънини, унинг қадр-қимматини ҳақоратловчи жирканч иллатлардир. Энг яхши ҳис-туйғуларни поймол этиб, маиший бузуқликка берилган баъзи шахсларнинг руҳий заифлиги, тубанлиги оқибатида онда-сонда бўлса ҳам ахлоқий бузилишлар рўй бераётган экан, бу аввало эскилик сарқитларининг сақланиб келаётган кўринишларидир. Одатда бундай шахслар худбинлик йўлига кириб, ўз тақдирларига енгилтаклик, бепарволик билан қараб, янглиш ва бўғиқ йўлларда алахсираб юрадилар, ҳаётдаги энг яхши нарсаларни кўра билмайдилар, ўзи яшаб, нафас олаётган муҳитнинг ноёб ва мунаввар нуридан баҳраманд бўлмайдилар, жамият тартиб-қоидаларини ҳурматлаш ўрнига, юзсизлик, виждонсизлик билан соф, мусаффо ҳаётимизни хиралаштирмоқчи бўладилар.

Тошкент шаҳар ижроия комитети ташкилий инструкторлик бўлимининг собиқ мудири А. Рафиқов, Тошкент шаҳар савдо бўлимига қарашли 7- магазин мудири Э. Хошимхўжаев, телестудия диктори Х. Мамадиев шу типдаги шахслардан бўлиб чиқди. Улар ор-номусдан, ўз коллективларининг ишонч ва ҳурматидан юз ўгириб, маишатбозликка берилиб кетдилар. Мўътабар олий ўқув юртларида, партиявий муҳитда ва жамоатчилик таъсири остида тўплаган билимларини жамият манфаатлари учун сарф этиш ўрнига риёкорлик қилиб ўз виждонларини шахвоний нафс учун қурбон қилдилар.

Шахс тубанлашган сари унинг фаолияти, талант ва қобилияти заифлашиб, сохталашаверади. Шуни қиёс қилганда, айрим санъат ходимларининг, шу жумладан республикада анча «танилган» артистлар Фахриддин Умаров, Суръат Пўлатов, Бахтиёр Ихтиёров ва бошқа шунга ўхшаш баъзи шахсларнинг маиший бузуқликка берилиб кетганликлари ҳақиқатан ҳам жамоатчиликда қаттиқ нафрат қўзғатмоқда. Меҳнат аҳлига шунчаки тилдагина қўшиқ-аллалар, аскиялар воситасида завқ бахш этсалар ҳам, аслида уларнинг ички дунёси, ахлоқ-одоби пуч бўлиб чиқди.

Бизнинг жамиятимизда хотин-қизларга, оила ва болаларга янгича муносабатда бўлишнинг юксак ахлоқий асослари таркиб топди. Бу — киши шахсий ҳаётнинг ижтимоий манфаатлар билан узвий боғланишида, энг улуғ зот — онанинг ҳурмат-эҳтиромини эъзозлаш ва мўътабар тутишда, хотин-қизларга вафодорлик, самимият билан дўстона, ўртоқларча муносабатда бўлишда ўз аксини топмоқда.

Ҳеч вақт киши фақатгина ўз шахсий бахти ва қувончинигина кўзламаслиги керак. Бундай индивидуализм эскиликнинг сарқитидир. Киши ўз бурчини ҳис этар экан, бу даставвал унинг умумжамият манфаатларини муқаддас тутишининг аломатидир. Улуғ рус мутафаккири Белинский айтганидек, кишида қалбнинг ички дунёсидан ташқари яна ҳаётнинг буюк дунёси, фикрлар амалга ошиб, юксак ҳис эса қаҳрамонликларга айланиб кетадиган буюк дунё бор. Бу — узлуксиз иш, битмас-туганмас яратиш ва вужудга келиш дунёси, келажакнинг ўтмиш билан кураш дунёсидир.

Нохўя хатти-ҳаракатларни сеза ва кўра туриб индамаслик, бирор шахснинг нотўғри йўлдан бораётгани ҳақида шикоят ва сигналлар олингани ҳолда унга бефарқ, бепарво қараш ёки танишлик, яқинлик туфайли қалтис уринишларни, хиёнатларни ҳас-пўшлаб кетиш инсофдан, одобдан эмас, Ҳақиқий дўст, ҳамкасб, ҳамдард ўртоқ ҳеч вақт бир-бирида бор гапни яширмайди, рўй-рост айтаверади, ҳар қандай хато, нуқсонлардан, янглиш-хатарли уринишлардан халос этиш учун бир-бирига жондан кўмаклашади, энг қулай вазият вужудга келтириш учун қўлидан келган ҳамма яхшиликни қилаверади. Бу даставвал, сиёсий тарбиянинг курашчилари бўлган партия, совет, комсомол, касаба союз ходимларига айниқса тааллуқлидир. Улар кишиларнинг ҳис-туйғуларини, хатти-ҳаракатларини, кайфиятларини, интилишларини, ҳаётда, турмушда ўзларини қандай тутишларини, жамият тартиб-қоидаларига нечоғли риоя қилаётганликларини ҳаммадан кўра яхшироқ билишлари керак.

Меҳнаткашларни юксак ғоявийлик, ижтимоий бурчга, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, жамият ҳаётида ахлоқ асосларининг ролини, маънавий факторнинг таъсир доирасини кенгайтириш, ижтимоий ҳаёт қоидаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш — партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг жонажон иши, муқаддас вазифасидир.

КПСС XXIII съезди омма ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишларнинг ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади. Съезд қарорида кўрсатилганидек: «КПСС шунга асосланадики, коммунистик қурилишнинг бундан кейинги муваффақиятлари партиянинг меҳнаткашлар ўртасида олиб борадиган ғоявий-сиёсий ишининг кўлами ва савиясига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Партия ғоявий таъсирининг самарали бўлиши, унинг совет жамиятининг раҳбар кучи сифатидаги бутун фаолияти билан чамбарчас боғланган. Меҳнаткашларни юксак сиёсий онглилик ва меҳнатга коммунистик муносабат руҳида тарбиялаш идеология ишининг диққат марказида туриши керак».

Республикамиз партия ташкилотлари съезд томонидан қўйилган бу вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун курашаётган эканлар, улар кишиларнинг юксак коммунистик онглилигини, ижодий активлигини янада кучайтириш учун, жамият аъзолари ўртасида коммунистик ахлоқ принципларини мустаҳкам барқарор топтириш учун, кишиларда садоқат, эътиқод, ҳалоллик, камтарлик ва самимийлик хисларини тарбиялаш учун идеология ишининг ҳамма формаларидан самарали фойдаланишлари керак.

Халқимизнинг онгли ҳаракати, юксак эътиқоди, Ватан бахт-саодати йўлидаги фидокорлиги, совет кишисининг бутун инсоният ҳавас қиладиган олижаноб фазилатлари янги ҳаёт маънавий дунёсини бойитаверсин!

ХУШХАБАРЛАР ОҚИМИ

«МОСКВА»НИНГ 5200 ТОННАСИ

Республикамиз жануби — Сурхондарёдан яна бир хушхабар келди. Жарқўрғондаги «Москва» колхози давлатга 5200 тонна пахта сотиб, йиллик планни муддатидан анча илгари ошириб бажарди. Бу йил машина теримига айниқса зўр берилди. «Зангори кема» капитанларидан Хуррам Бобоқулов, Тангир Раҳмонов, Бойқобил Холмўминов сингари илғор механизаторлар ҳозиргача 120-140 тоннадан пахта тердилар.

Колхоз давлатга тағин 1500 тонна пахта топшириб, ҳосилдорликни гектарига 35 центнерга етказади.

ЯНА ЎН МИНГ ЦЕНТНЕР

Вобкент районидаги «Ленинобод» колхози марраға етганлиги тўғрисида ғалаба рапорти берди. Тайёрлов пунктларига 3314 тонна биринчи сорт пахта топширилди.

Колхозчилар яна минг тонна пахта тайёрлаш учун курашни қизитиб юбордилар.

ДАСТУРХОН ФАЙЗИ

Самарқанд райони соҳибкорлари катта зафар кучдилар. Меҳнаткашларга 54 минг 147 тонна сабзавот, 10 минг 436 тонна узум, 2355 тонна полиз маҳсулотлари етказиб берилиб, бу соҳадаги планлар анча ошириб адо этилди.

ҒАЛАБА УСТИГА ҒАЛАБА

Крупская номли колхоз Пайариқ районидаги илғор хўжаликлардан биридир. Колхозчилар беш йилликнинг дастлабки босқичида мамлакатга пилла, дон, қоракўл тери, жун, гўшт, сут етказиб бериш бўйича белгиланган топшириқларни аллақачонлар бажариб қўйган эдилар.

Улар яқинда яна бир муҳим ғалабани қўлга киритдилар. Давлатга 1762 тонна пахта сотилиб, йиллик план муваффақиятли адо этилди. Ҳосилнинг 81 проценти агрегатларда йиғиштириб олинди.

САРА УРУҒ

Сирдарёнинг лалмикор ерларида кузги дон экиш қизитиб юборилди. Зомин районидаги «78-йиллик заводи» ғаллакорлари бу йил кузда қарийб 6 минг гектар майдонга дон экишади. Ҳозиргача 1000 гектар ерга сара уруғ ташланди. Хўжалик кузги дон экишни 20 иш кунида тугалламоқчи.

1-«Зомин», «Ударник» совхозларида ҳам кузги дон экиш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

МЕҲНАТ ШАРАФИ

Пахтакор ўз меҳнатининг натижасини гарозига қўймоқда. Кўп йиллик тажрибадан аёнки, ҳосил йиғим-теримида кимки машинага таянса ғолиб чиқади, зафар қучади. Хўжалигимиз пахтакорлари ерга чигит қадаётганда, ғўзани парвариш қилаётганда ҳам машина теримини ўйлаб иш тутишган эди. Шундай қилиб, 600 гектардан ортиқ майдондаги экин машинабоп қилиб ўстирилди.

Йиғим-терим кампанияси арафасида тажрибали деҳқонлар, мутахассислар билан маслаҳатлашиб, қўшимча равишда яна 300 гектар, жами 900 гектар майдондаги ғўза дефолиация қилинди ва машиналарга кенг йўл очиб берилди. Мавжуд терим агрегати вақтида ремонтдан чиқариб қўйилган. уларни икки сменада ишлатиш мақсадида механизатор кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор берилган эди.

Мана, бир неча кундирки, пахтакорларимизда «зангори кема»лар жавлон уряпти, хирмонга барака-қут киритяпти. Хўжалигимизда йиғим-териминг дастлабки кунларида қўл кучи билан кунига йиллик планнинг 1,5-2 проценти миқдорида пахта тайёрлаган бўлса, машина терими бошлангандан буён кунига давлатга 3-3,5 процентдан «оқ олтин» топширилаётир. Кейинги ўн кунликда пахта тайёрлаш ва давлатга сотиш юзасидан колхозимиз район хўжаликлари орасида олтинчи ўриндан иккинчи ўринга чиқиб олди. Машина суръатга суръат қўшаётир.

Ҳозирги долзарб кунларда механик-ҳайдовчилар алоҳида роль ўйнайди. Улар мавсумда «зангори кема»лар бункеридан 120-130 тоннадан «оқ олтин» тўкишга аҳд қилишган. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мўтихон Жумабоева, Кенжабой Ҳайдаров, Абдураҳмон Ёқубов, Раҳмон Саидорипов, Малик Умаров, Кимсан Қосимовлар «ХТ-1,2» маркали терим агрегати билан 4,5-5 тоннадан пахта теришяпти. Механик-ҳайдовчиларга прогрессив усул билан ҳақ тўланяпти. Бу тадбир теримда юксак меҳнат унумдорлигига эришишни таъминлаяпти. Дастлабки ҳисоб-китобга қараганда юқорида номлари тилга олинган механик-ҳайдовчиларнинг ўртача бир ойлик иш ҳақи 160-180 сўмни ташкил этади.

Йиғиб-териб олинган ҳосилни тайёрлов пунктларига қоп-қанорсиз ўз вақтида етказиб беришда Пўлат Отажонов, Комил Бакиров, Мирзаҳоким Боймирзаев сингари прицепчи ва шоферларнинг ҳиссаси ҳам катта бўлаётир. Улар кунлик нормани 1,5-2 ҳисса ошириб адо этмоқдалар.

Машина теримини кенг йўлга қўйган илғор бригадалар ғалаба рапорти бера бошладилар. Чунончи, Ленин орденли Сотволди Қорабоев бошлиқ бригада пахтакорлари ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил кўтариб, йиллик пахта тайёрлаш давлат планини 22 иш кунида бажардилар ва ҳозир қўшимча мажбурият ҳисобига пахта сотмоқдалар.

Хўжалигимиз деҳқонлари пахтачиликни комплекс механизациялаш туфайли мўл даромад эгаси бўлишаётир. Ўтган йили колхозимиз 3 миллион 200 минг сўм даромад қилиб, ҳар бир колхозчининг бир ойлик ўртача иш ҳақи 90 сўмга тўғри келган бўлса, бу йил ҳосилдорликни янада ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига даромадни тағин ҳам кўпайтириш ва пахтакорларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтириш назарда тутилаяпти.

Пахта йиғим-терими жуда масъулиятли ва мураккаб кампаниядир. Иш жараёнида озгина бўлса ҳам камчиликка йўл қўйилса пахта тайёрлаш планининг бажарилиши кечикади. Биз теримда вақтдан ютишга, давлат плани ва мажбуриятини тезроқ бажаришга ҳаракат қиляпмиз.

Терим суръатини тезлатиш теримчилар ва механик-ҳайдовчиларнинг унумли ишлашига, кун сайин кўпроқ пахта теришига боғлиқ эканлигини эътиборга олиб, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга алоҳида эътибор берилаяпти.

Ҳозирги кунларда пахтакорларимизнинг фикр-зикри беш йилликнинг биринчи йилида 1890 гектар ернинг ҳар гектаридан она-Ватанга 35 центнердан «оқ олтин» етказиб бериш ҳақида берилган ваъдани тезроқ бажаришга қаратилган. Далада 2000 теримчи, 23 «зангори кема» ишлаяпти. Бир группа донгдор механизаторларнинг Мамажон Дадажоновга ёзган жавоб хати асосида Улуғ Октябрь байрами шарафига социалистик мусобақа тобора кенг авж оляпти. Пахтакорларимиз планни 20 октябргача, мажбуриятни эса байрамгача бажарамиз, дейишяпти.

С. ЙЎЛДОШЕВ,
Ленин районидаги Свердлов номли колхознинг раиси.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

ЁЛҒОНГА ЎХШАЙДИ-КУ...

Хива районидаги «Хива» колхози пахта тайёрлашда ниҳоятда кейинда қолмоқда. План энди 40 процент бажарилди. Тилла Полвонов, Султон Жуманиёзов бошлиқ бригадаларда айниқса суръат суст. Колхоздаги 20 та терим машинасидан 6-7 таси бекор турибди. Бригадир Х. Рўзиматов далани тайёрламагани учун машинанинг пайкалга кириш имкони бўлмади. Колхоз раиси Мадамин Ёқубов нуқул ваъдабозликка берилиб, суръатни кўтариш ўрнига қуруқ гап сотмоқда:

Ўйласам раис бувам гапдонга
ўхшайди-ку.
Сўзлари сув қўшилган айронга
ўхшайди-ку.
Суръатда—процентда ҳаммадан
қолиб четда,
Илғор сафга ўтиши гумонга
ўхшайди-ку.
Беғам бригадир ким? Бири
Тилла Полвонов,
Яна бир такасалтанг Султонга
ўхшайди-ку.
Машина кўп-у, бироқ йўлда
бор тўғоноқ,
Қолоқлик сири шундан аёнга
ўхшайди-ку.
Раис Мадамин ака, аҳвол
нечун бунақа?
Баландпарвоз ваъдангиз ёлғонга
ўхшайди-ку.
Фурсат ўтиб боряпти қолоқлик
қачонгача?
Беғамлик оқибати ёмонга
ўхшайди-ку!

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЯНГИ АГРЕГАТЛАР ТЕРИМДА

ДЕНОВ («Совет Ўзбекистони» мухбири). Яқинда «Ҳазорбоғ» совхози қатор оралари кенг бўлган ғўза тупларидаги пахтани теришга мўлжалланган 15 та янги «17-ХВ-1,8» маркали агрегатлар сотиб олди. Янги машиналар теримда ишлатилиб, синовдан ўтказилмоқда. Бу янги комбайнларда ишлаётган механик-ҳайдовчиларнинг ҳар бири кунига 9-10 тонна пахта теряпти.

ҲУКУМАТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

12 октябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида Ўзбекистон халқ хўжалиги ва маданиятининг турли тармоқларида ишловчи ходимлардан катта бир группасига Совет Иттифоқининг орден ва медаллари топширилди. Бу ходимлар ана шу мукофотга етти йиллик план топшириқларини бажаришда эришган муваффақиятлари ва кўп йиллик самарали ишлари учун сазовор бўлган эдилар. СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова СССР Олий Советй Президиумининг топшириғига мувофиқ ана шу мукофотларни топширди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — «Таштекстильмаш» заводининг токари Николай Иванович Орловга ва «Средазнефтегазстрой» тресги старший ишлар бошқарувчиси Василий Иосифович Бевзюкка Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва Болға» олтин медали топширилди.

Е. С. Насриддинова мукофотланганларни ҳукуматнинг юксак мукофотлари билан самимий қутлади ва уларга ишда янги муваффақиятлар тилади. (ЎзТАГ).



Бухоро область, Вобкент районидаги Карл Маркс номли колхозда машиналар билан пахта териш иши яхши ташкил этилган. Колхозда кунига машиналар кучи билан йиллик планнинг 2,5-3 проценти миқдорида пахта тайёрланмоқда. Суратда: (олдинда) Номоз Эргашев, Қурбон Наимов, Омон Саидов ва Яҳё Сафаров ўртоқларни кўриб турибсиз. Бу азамат механик-ҳайдовчиларнинг ҳар бири кунига ўз агрегати билан 3,5-4 тоннадан «оқ олтин» теряпти.

М. Ғуломов фотоси.

РАСМИЙ ХАБАРЛАР

КРЕМЛДА СОВЕТ — ПОЛЬША МУЗОКАРАЛАРИ

11 октябрда Кремлда Совет — Польша музокаралари давом этди. Бу музокараларда Совет томонидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ю. В. Андропов ва бошқа расмий кишилар, Польша томонидан Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари В. Гомулка, Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Циранкевич, Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари З. Клишко, Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси ташқи ишлар министри А. Рапацкий, Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Бирлашган Ишчи партияси Катовице воеводлик комитетининг биринчи секретари Э. Герек ва бошқалар қатнашдилар.

Совет Иттифоқи билан Польша Халқ Республикаси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва кучайтириш масалалари юзасидан фикрлашиб олиш давом эттирилди.

Музокаралар қардошларча дўстлик, самимийлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди. (ТАСС).

ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ СВЕРДЛОВСККА ЖЎНАБ КЕТДИ

МОСКВА, 12 октябрь. (ТАСС). Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари В. Гомулка ва Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Циранкевич бошчилигида расмий визит билан СССРда меҳмон бўлиб турган Польша Халқ Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси бугун Свердловскка жўнаб кетди.

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин меҳмон ўртоқлар билан бирга Свердловскка кетди.

* * *

СВЕРДЛОВСК, 12 октябрь. **(ТАСС мухбири).** Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Гомулка ва Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Циранкевич бошчилигидаги Польша Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегацияси Свердловскка келди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ҳам делегация билан бирга Свердловскка келди.

УЛКАН ХИРМОНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1966 йил 12 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — бир кунда, учинчи стун — мавсум бошидан буён, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилган пахта, бешинчи стун — мавсум бошидан буён.

Қашқадарё	1,68	87,58	1,91	105,82
Тошкент	1,99	85,11	2,08	100,66
Сурхондарё	1,87	77,31	2,22	84,41
Бухоро	1,94	73,55	2,67	88,56
Самарқанд	1,98	72,45	2,35	73,83
ҚҚ АССР	2,06	68,17	2,18	56,74
Фарғона	1,89	67,67	3,42	73,05
Андижон	2,07	66,73	3,13	75,39
Сирдарё	2,47	63,73	2,53	74,13
Хоразм	2,58	57,32	2,49	37,78
Республика бўйича:	2,07	70,47	2,57	75,48

УЗУМ ВА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЙЁРЛАШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасидан хабар беришларига қараганда, республикамиз қишлоқ хўжалик ходимлари яна янги бир ғалабани қўлга киритдилар. Узум ва полиз маҳсулотлари тайёрлаш давлат плани муддатидан илгари — шу йил 10 октябрда ошириб бажарилди.

Пландаги 135 минг тонна ўрнига 141 минг тоннадан зиёдроқ ширин-шакар узум тайёрланди. Тошкент, Самарқанд ва Бухоро областлари узум тайёрлаш планини бирмунча ортиғи билан адо этдилар. Фарғона ҳамда Қашқадарё области меҳнаткашлари ҳам узум тайёрлаш планини ошириб бажаришга эришдилар.

Республика бўйича пландаги 165 минг тонна ўрнига қарийб 172 минг тонна полиз маҳсулотлари тайёрланиб, йиллик план муваффақиятли адо этилди. Айниқса, Сирдарё области дуруст кўрсаткичларни қўлга киритди. Бу ерда пландаги 48 минг тонна ўрнига 65 минг тонна полиз маҳсулотлари тайёрланди.

Сурхондарё ва Бухоро областлари ҳам бу соҳадаги планни анча ошириб бажаришди.

Республикамизда узум ва полиз маҳсулотлари тайёрлаш давом этмоқда.

ИЖРОКОМ ВА ХАЛҚ МАОРИФИ

ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

Ёш авлодни меҳр билан тарбиялаш, уларни коммунизмнинг чинакам бинокорлари қилиб етиштириш шу куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Задарё район ижроия комитети бу муҳим масалани чуқур англаб, халқ маорифини ривожлантириш ҳамда ёш авлодни тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор бермоқда.

Кейинги йилларда мактаблар ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди. Ўтган ўқув йилида район мактабларида 7619 бола таълим олди. Улардан 7348 ўғил-қиз синфдан синфга кўчди, 425 ўқувчи ўрта мактабларни муваффақиятли битириб чиқди. 160 киши эса ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўрта маълумот олди. Ўқувчиларнинг катта кўпчилиги фақат аъло ва яхши баҳолар билан ўқиди. Ҳозирги пайтда районда 35 та мактаб бўлиб, уларга чўлқуварларнинг 8187 фарзанди жалб этилган.

Ижроком мажлисларида, район Совети сессияларида умумий таълимни яхшилаш, болаларни куни узайтирилган мактаблар ва группаларга тортиш, уларни мактабларга транспортда олиб бориш, ўқувчилар орасида тарбиявий-сиёсий ишларни кучайтириш каби масалалар тез-тез муҳокама қилина бошланди.

Мактаблар қурилишини кенг авж олдириш, умумий таълим ишларини яхшилашда ижрокомга доимий комиссиялар, депутатлар, кенг жамоатчилик яқиндан ёрдам беряпти. Масалан, Илёс Жўраев раҳбарлик қилаётган халқ маорифи доимий комиссияси бу йил район мактабларида ўқув-тарбия ишларининг аҳволини ўрганди. Бу масала район Советининг сессиясида муҳокама қилинди. Муҳокамада муҳим масалалар ўртага ташланди.

Районнинг чекка жойларидаги, айниқса янги ташкил топган қишлоқлардаги мактабларда синфхоналар етишмаётгани учун катта қийинчиликлар туғилаётгани айтилди. Сессия бу жойларда дарҳол қўшимча синфхоналар қуриш юзасидан тадбирлар белгилади. Белгиланган тадбирлар изчиллик билан амалга оширилди. Натижада район марказидан олисда жойлашган «Коммунизм» колхози ва «Восток» совхозида янгидан мактаб бинолари қурилиб, ишга туширилди.

Бундан ташқари ота-оналар ва колхозларнинг ёрдами билан қўшимча 30 та синфхона қурилди. «Правда», «Гигант» колхозларининг Момахон, Фрунзе участкаларидаги саккиз йиллик мактаблар ўрта мактабга айлантирилди.

Меҳнатобод, Гуртепа қишлоқ Советлари мактабларнинг моддий базаларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш юзасидан катта ишлар олиб бориш билан бирга, мактаб ҳаётининг барча томонларига жиддий эътибор бермоқдалар. Ўқув ва тарбия ишларининг қўйилишини ўрганиб, камчиликларни ўз вақтида тугатиш тадбирларини белгилаяпти. Н. Қорабоев, Т. Калонов, Г. Жамолиддинов, М. Йўлдошев, Ким Ха Ун каби район Советининг депутатлари ҳам халқ маорифи масаласи билан яхши шуғулланмоқдалар. Улар қўшимча синфхоналар қуриш, мактаблар ободончилиги учун курашда жамоатчиликнинг ролини ошириш масаласини «Гигант», «Правда», Ильич номли ва «Комсомол» колхозлари чўлқуварларининг муҳокамасига қўйдилар.

Бу колхозларда мактабларга эътибор кучайтирилди. Мавжуд мактаб биноларини ремонт қилиш, қўшимча синфхоналар қуриш учун кўплаб маблағ ажратилди. Бу ишларни амалга ошириш мақсадида мактабларга колхозлар томонидан қурувчилар, ремонтчилар ва транспорт юборилди. Мактаблар янги ўқув йилига бекамикўст тайёрланди. Ҳозир мазкур мактабларда ўқув-тарбия ишлари муваффақиятли давом этмоқда.

1966—1967 ўқув йилида таълим-тарбия савиясини ошириш учун қулай шароит яратиш, ўқув кабинетлари, лабораториялар, устахоналарни асбоб-ускуналар билан таъминлашни яхшилаш юзасидан ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Болаларга таълим бериш ва уларни тарбиялаш биринчи галда ҳар бир ўқитувчининг маҳоратига, тажрибасига ва ташаббускорлигига боғлиқ. Район Совети ва унинг халқ маорифи бўйича доимий комиссияси ўқитувчи кадрлар билан ишлаш, уларнинг малакасини ошириш, муаллимлар орасида методик ишларни яхшилаш масалаларига эътиборни кучайтирмоқдалар. Мактаблар ҳузурида методик бирлашмалар тузилган.

Ижроком ўқитувчилар олдига юксак талаблар қўйиш билан бирга, улар ҳақида ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатяпти. Муаллимларнинг яхши ишлашлари учун шарт-шароит яратиб бермоқда. Масалан, ҳозир район мактабларида 415 ўқитувчи ишлаб турибди. Бу йил улар сафига олий ўқув юртини битирган 11 ёш педагог келиб қўшилди. Райондаги ўқитувчиларнинг ҳаммаси уй-жой билан таъминланди. Қиш учун етарли миқдорда ёқилғи ғамлаб қўйилди.

Шунга қарамасдан маориф ишида айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Биз мактаблар ишини яхшилашдаги имкониятлардан тўла фойдалана олмаяпмиз. Айрим мактабларда ўқувчиларнинг бир синфда икки йил қолиши ҳоллари юз бермоқда. Болаларни иссиқ овқат билан таъминлашни ташкил қилиш юзасидан ҳали кўп ишлар қилишимиз керак.

Х. ЙЎЛДОШЕВ,
Андижон область, Задарё район ижроия комитетининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Идеология ходимларининг бутуниттифоқ кенгаши

11 октябрда Кремль театрида идеология ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаш-семинари очилди. Бу кенгаш-семинарни КПСС Марказий Комитети уюштирди. Семинар ишида иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетларининг секретарлари, ўлка ва область партия комитетларининг секретарлари, компартиялар Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари пропаганда ва агитация бўлимларининг мудирлари, иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетлари фан ва маданият бўлимларининг мудирлари, бир қанча шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, Совет Армияси ва флот сиёсий ходимлари, идеология масалалари билан шуғулланувчи марказий министрликлар ва бошқармаларнинг раҳбарлари, КПСС Марказий Комитети бўлимларининг ходимлари қатнашмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари П. Н. Демичев кенгаш-семинарни очди. КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг мудири В. И. Степаков «Совет кишиларида марксча-ленинча дунёқараш ва коммунистик ахлоқни актив шакллантириш» тўғрисида доклад қилди.

Кенгаш-семинарда КПСС XXIII съездининг қарорлари асосида идеология ишига доир масалалар муҳокама қилинади.

11 октябрда кенгаш-семинарда Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. Д. Скаба, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари А. П. Шапошникова, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари С. Н. Имашев, КПСС Ленинград область комитетининг секретари Г. А. Богданов сўзга чиқдилар.

ТАЖРИБА ВА ТАШАББУС

ИМТИҲОН

Каттақўрғон ёғ-мой комбинатида совун пиширишнинг автоматлаштирилган жараёнига кўчилди. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бундай усули илгаригисига қараганда анча осон, меҳнат унумдорлигини кўтаради, совун пиширишни узлуксиз амалга оширишни таъминлайди. Бу корхонада совун пиширишнинг янги усулига республикада биринчи бўлиб ўтилди.

«ТНБ-2» маркали совунни узлуксиз пишириш установкаси ишга туширилиши билан корхонадаги бу участкани цех эмас, завод деса арзигулик бўлиб қолди. Кейинги йилларда комбинатда хўжалик совуни ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар кўпайди. Янги установка ишга туширилиши билан бу ердаги жараёнлар такомиллаштирилди. Ёғ кислотасини тозалаш цехи ҳам барпо қилинди. Вакуум-қуритиш установкаси, совун суюқлигини сақлайдиган ўнлаб қўшимча омборлар, туз сақланадиган механизациялашган омбор бино қилинди. Истеъмолчиларга совун жойлаб жўнатиладиган идишлар тайёрловчи цех тикланди.

...Установка янги ишга туширилган кунлари цехга тез-тез кириб турдим. Ёш техник-технолог Николай Коробко бу ерда асосий ишларни бажаради. Корхонада совун пиширишнинг янги технологиясини ундан яхши биладиган киши йўқ десак муболаға бўлмас, Николай Ленинграддаги совун заводида илғор тажрибаларни, прогрессив технологияни ўрганиб келди. Ускуналарни созлаш, янги технологияда нималарга эътибор бериш зарурлигини билиб олди. У ўз ишига пухта. Топширилган вазифани кўнгилдагидек бажармагунча тиниб-тинчимайди. Камтар. Суҳбатлашиб турганимизда мендан узр сўради. Халатини кийиб, қўлқопини олди-да, установка ишлаб турган бинога кириб кетди. Слесарларга ёрдамлашди. Қайтиб келганидан сўнг бундай деди:

— Кўриб турибсизки, ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп. Бизнинг тўғримизда ёзишга эрта деб ўйлайман. Цех ишлаб турибди. Лекин ҳали лойиҳадаги қувват билан ишлаётгани йўқ. Бунинг учун бир қатор муҳим ташкилий-техникавий тадбирларни амалга оширишимиз зарур. Қаранг, пиширилаётган совун ҳали унчалик эмас.

Кейинги куни Николай Коробка билан учрашганимда жуда хурсанд эди.

— Ҳақиқий совун ишлаб чиқаришга эришдик, — дейди у.— Лаборатория текширишлари натижаларига қараганда, ҳозир ишлаб чиқараётган маҳсулотимизни шундайлигича қуритиш-вакуум установкасига жўнатаверсак бўлади. Шундай деб ёзинг. Бу ҳақда цех бошлиғи Флора Габитовна Юсуповага ҳам маслаҳат солинг.

Флора Габитовна билан цехдаги ҳамма участкаларни бирга айландик. Агрегатларни кўздан кечирдик. Ишчиларнинг ҳаракатини кузатдик. Цехда агрегатлар шовқини ҳукмрон. Иш жараёнлари билан танишиб чиққач, бу ерда меҳнат қилаётганлар ўзига топширилган вазифани пухта бажараётганлигига қаноат ҳосил қилдим. Флора Габитовна агрегатлар шовқинидан баландроқ овоз билан бу ерда ишлаётганларнинг ғайрат-шижоати тўғрисида сўзларди.

— Мана, совун пиширувчи Абдулла Худойбердиев. Анави—слесарь Николай Стукалов, мана буниси эса илғор ишчи Вячеслав Крапивин. Бошқариш пульти олдидаги икки киши—совун пиширувчи Неъмат Жалилов ва Маҳмуд Мирзаев экан.

Ана шу кишилар янги технологияни ўзлаштиришда алоҳида ибрат кўрсатишди. Сменадан ташқари вақтларда бошқаларга ўз тажрибаларини ўргатишди. Натижада цехдаги барча ишчилар янги технология асосида меҳнат қилиш малакасига эга бўлишди.

Корхонада янги технология асосида ишлашга кўчиш учун анча қийинчиликларни бошдан кечиришга тўғри келди. Бир томондан эски усулда ишлаб планни бажариш керак бўлса, иккинчи томондан, янгича ишлашни ўрганиб олиш лозим эди. Коллективнинг аҳил ва бир-бирига ҳамкор эканлиги ҳар икки вазифани муваффақиятли бажаришни таъминлади.

Янги установка ҳаракатга келганидан бир ҳафта ўтгач, Флора Габитовнадан сўрадим:

— Ишлар қалай? Янги установкада ишлаш қийинчилик туғдирмаяпти.

— Ишларимиз юришиб кетди,—дейди цех бошлиғи.—Ишлаб чиқарилаётган совуннинг сифати яхши. Ўртоқ Коробко билан биргаликда кундалик тутдик. Қизиқсангиз кўз югуртиринг.

Кундаликни варақлаган сари ўзим ишлайдиган шу коллектив аъзоларига меҳрим ортиб бораверди. Чунки улар дуч келган қийинчиликларни йўл-йўлакай бартараф қилиб, ишлаб чиқаришда янги марраларни эгаллаётган эдилар.

— «ТНБ-2» установкасининг лойиҳадаги қувват билан ишлашига 1968 йилда эришишимиз лозим,—дейди бош инженер В. Клепиков.—Ана ўшанда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳозиргига қараганда яна икки баравар ортади. Бунинг учун ёғ кислотаси тозаловчи иккинчи линияни ҳамда қуритиш-вакуум установкасининг навбатдаги линиясини қуриб тамомлашимиз ва ишга туширишимиз лозим бўлади. Ишнинг мураккаб жойи шундаки, барча ишларни корхонада маҳсулот тайёрлашни тўхтатмасдан туриб амалга ошириш лозим.

Корхонадан чиқиб келаётганимда бу ерда ишлаётган азаматларнинг матонатига, янгиликни жорий қилиш учун ғайрат билан ишга киришганликларига қойил қолдим. Улар дастлабки имтиҳондан ўтдилар. Энди уларнинг янги технология асосида ишлашни пухта ўзлаштириб олишларигагина эмас, балки установканинг лойиҳадаги қувват билан ишлашини таъминлашларига ҳам қаноат ҳосил қилдим.

Г. ЛЕВИКОВ,
Каттақўрғон ёғ-мой комбинатида чиқадиган «Экстрактор» кўп нусхали газетасининг редактори.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ БАЙРАМИ ШАРАФИГА

НОВАТОРЛАР

Корхонамиз коллективи Октябрь байрамига муносиб меҳнат туҳфалари тайёрлаш учун кураш мусобақасини авж олдирмоқда. Бу ишда, айниқса, новатор ишчилар, ижодкор мутахассислар ибрат бўлишмоқда. Бош технолог ўринбосари В. Гарлинский ўзи тайёрлаётган машина деталларини такомиллаштиришга муваффақ бўлди. Иккита редуктор ўрнига унинг ўрнини босадиган битта редуктордан фойдаланишга қаратилган таклиф берди. Шу таклифнинг ўзи йилига 18 минг сўм маблағ ва 15 тонна нодир металл тежаш имконини беради.

Қуюв цехининг бригадири М. Аҳмедов «Т-62-1» маркали дизель поршенига деталь тайёрлашда учрайдиган бракни камайтирди. Унинг таклифини жорий этиш натижасида деталь тайёрлашдаги брак 8,7 процент камайди. Бу йилига 3.200 сўмни тежамоқда. Токарь В. Землянушнов «ВП-3» маркали насос ўқини тайёрлаш технологиясига ўзгариш киритди. Шу йўл билан ҳар бир насосга ишлатиладиган ўқни тайёрлашга 11 соат-у 30 минут кам вақт сарфланяпти.

Заводимизда беш йилликнинг биринчи йилида 400 тонна қора металл, 15 тонна рангли металл, 500 тонна ёрдамчи материал ҳамда 10 тонна ёқилғи тежаш тараддудини кўрмоқдамиз. Тежалган материаллар ҳисобига қўшимча равишда қарийб 700 та дизель, насос ва 17 та универсал юклагич ишлаб чиқарамиз. Корхона ижодкорлари тўққиз ой давомида қарийб 100 та рационализаторлик таклифлари бердилар. Улардан 37 тасини жорий қилишнинг ўзи йил сайин 48 минг сўм фойда келтириши ҳисоблаб чиқилди. Ҳ. Исҳоқов, М. Резяпов, М. Ғаниев, И. Курепин ва И. Толмачев ўртоқлар техникани тараққий эттириш мусобақасида ғолиб чиқиб, кўплаб маблағ ва материал тежаш намуналарини кўрсатаётирлар.

Б. ШЕРМАТОВ,
Андижон машинасозлик заводининг мастери.

ИЛҒОР КОЛЛЕКТИВ

Чимён ремонт-механика заводи «Ўзбекнефть» бирлашмасидаги энг ёш корхона. Завод кичкина устахонадан нефть ҳамда газ қудуқларини пармалашда ишлатиладиган ускуналарни ремонт қиладиган улкан корхонага айланди. Ёш коллектив беш йилликнинг дастлабки йили топшириқларини муваффақиятли бажармоқда. А. Холиқов, А. Мирзаев, З. Ҳамидов, Д. Топчанов, У. Бердалиев каби ўнлаб ишчилар Октябрнинг шонли 49 йиллигини йиллик планни бажариш билан нишонлаш учун ҳаракат қилиб, смета топшириқларини 125-130 процентдан адо этмоқдалар.

Ғ. ЛАТИФ,
инженер.

ЧЕВАРЛАР

Андижон бадиий буюмлар фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари байрам олди мусобақасида қувончли натижаларга эришмоқдалар. Тўққиз ойлик план 110 процент қилиб бажарилди. Ўртоқ В. Мустафоев раҳбарлик қилаётган гул босиш цехи коллективи Октябрь байрами шарафига олган мажбуриятларини муддатидан илгари адо этди. Ўтган ойлар мобайнида планга қўшимча равишда 17,6 процент маҳсулот тайёрланди.

У. ХОЛИҚОВ,
ишчи.

БАРАКАЛИ МЕҲНАТ МУКОФОТИ

Абдурашид Қозоқбоев Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводининг кекса ишчиларидан. Шу корхонада меҳнат қила бошлаганига қирқ йил тўлди. Қирқ йиллик баракали меҳнати давомида кўпгина мукофотлар олган. Лекин етти йиллик планни бажаришга муносиб ҳисса қўшганлиги учун яқинда берилган Ленин ордени ҳамма мукофотлар ичида аълоси бўлди. Мукофот ветеран ишчини янги зафарларга руҳлантирмоқда. У корхонадаги ўз тенгдошлари — токарь, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдишукур Қодиров, илғор слесарлар Орифжон Муҳамедов, Вали Мажидов, Ҳикмат Абдуллаевлар билан мусобақалашиб Октябрь байрами кунигача йиллик планни бажаришга аҳд қилишган. Бу пешқадамлар ўн бир ойлик планни адо этишди.

У. МУҲАМЕДОВ,
завод ишчиси.

Бу ёшлар Чорвоқ гидроэнергетика иншооти қурилиши бошланганидан буён намунали меҳнат қилиб келмоқдалар. Мамарасул Шерхонов (чапда) бошлиқ бригада азаматлари суръатни тезлаштирмоқда. Нишонбой Шарофиддинов ҳам шу коллективнинг илғор қурувчиси.

В. СИРОТКИН фотоси

ХАТЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

И. Сафаров, Х. Ҳазратқулов ва Д. Қодиров ўртоқлар редакциямизга шикоят хати йўллаган эдилар. Хатда Андижон область, Учқўрғон районидаги 41-мактаб ўқитувчиси Г. Болтабоевнинг болалар тарбиясига зид бўлган ва бошқа бир қанча нотўғри хатти-ҳаракатлари очиб ташланган эди.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги мактаблар бошқармасининг бошлиғи ўртоқ И. Мўминов редакцияга текшириш натижаси ҳақида бундай деб ёзади:

— Шикоят хатида келтирилган фактлар тасдиқланди. Область маориф бўлимининг буйруғига асосан Учқўрғон районидаги 41-мактаб ўқитувчиси Г. Болтабоев ўқитувчилик вазифасидан бўшатилди. Унинг ҳақидаги барча материаллар район прокуратурасига берилди.

Ахлоқ, одоб мавзуида

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ ГАЗЕТХОНЛАР ДАВРАСИДА

ОЙНАГА ОТИЛГАН ТОШ

Тошкент—Қўнғирот поезди билан Самарқандга йўл олдик. Пассажирлар ўзаро гурунглашиб, чақчақлашиб боришарди. Поезд бир соатча йўл юриб, Чиноз станциясига яқинлашмоқда. Кутилмаганда қаттиқ бир товуш эшитилди, вагон ойнаси қарсиллаб синди. Вагон ойнасига отилган тош уни чилпарчин қилди. Юз-кўзларимизга синиқ заррачалар урилди.

Купенинг чироғини ёқиб қарасак, ярим килограмм чамасидаги тош вагоннинг икки қават ойнасини тешиб, ҳозиргина қўшнимиз туриб кетган ўринга келиб тушибди. Хайрият, шеригимиз ўрнида йўқ экан. Ҳайрият шу ўринда бирор ёш болали аёл ёки чол ўтирмаган экан.

Шу орада проводник ва бошқалар ҳодиса содир бўлган купега чопиб келишди. Проводник бизнинг зарар кўрмаганимизни билгач; «болаларингизнинг бахти бор экан» деб қўйди. Шу ерга бир оздан кейин етиб келган поезд бошлиғи эса, «ҳодиса содир бўлган вақтда тормоз бериб составни тўхтатиш керак эди. Жиноятчини топиб, жазолардик» деди. Афсуски, бу нарса хаёлимизга келмабди.

Шундан сўнг биз йўлда вагон ойнасига тош отган кимса ҳақида ўйлаб кетдик. У ким эди? Тинч кетаётган вагон ойнасига тош отиб, йўловчиларга озор беришга уни ким мажбур қилди? Эҳтимол, у ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган, она сути оғзидан кетмаган бир боладир. Ёшлик—бебошлик деганларидай, ўйламасдан, тентаклик қилиб вагон ойнасига қараб бир тош отиб қолгандир. Лекин у ўзи отган тошининг қандай ёмон оқибатларга сабаб бўлишини тушунармикан? Тош отилган пайтда ҳаммаёқ, аллақачон қоп-қоронғи бўлган эди. Иккинчидан, отилган тош анчагина салмоқли бўлишига қарамай, у ойнага шундай қаттиқ зарб билан отилган эдики, икки кўзли ойнани бемалол тешиб ўтган эди.

Демак, вагон ойнасига тош отган кимса қоронғи кечада юра оладиган ва анча куч-қувватга эга бўлган ўспирин бўлиши керак.

У ўзи отган тошнинг жиноят эканлигини, давлатга зарар етказишини ва кишиларга озор беришини, эҳтимолки, баъзи бировларни бир умрга бахтсиз қилиб қўйишини фаҳмлаб етмаганмикин? У тош вагон ойнасинигина синдириб қолмади. Балки унга ўхшаган ёшларга умид кўзи билан қараб, уларни келажагимизнинг кўрки деб юрган кишиларнинг ёшларимиз ҳақидаги беғубор хаёлларига (уй-фикрларига) ҳам бориб тегди, уларнинг беғубор кўнгил ойналарига доғ туширди.

Х. ДОНИЕРОВ,
А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг доценти.

ҲУСНБУЗАР

Пайшанба куни. Вақт пешиндан оққан эди. Автобус остановкасида автобус кутардим.

Шу пайт аллақайси томондан кайфи тарақ бир киши келиб қолди. У оёқда базур турар, аммо унинг «илон пўст ташлайдиган» гаплари йўловчилар қатори менинг ҳам асабимни бузди.

У нуқул сўкинар, алланималарни вайсар, тегмаганга тегар, текканга кесак отарди. Шу зайлда анча туриб, автобус келиши билан автобусга чиқдик.

У автобус ичида ҳам овозининг борича қичқирар, беандиша сўзларни такрор-такрор айтарди. Шу пайт жаҳли чиққан бир мўйсафид гап отди.

— Болам ичсангиз ароқ ичибсиз-да, ақлни ҳам қўшиб ичдингизми?

Маст одам шунчалар ор-номуссиз бўладими! У отани жеркиб ташлади, автобусдаги йўловчиларнинг таъблари хира бўлди. Э садқаи гап сенга ҳуснбузар, дейишди йўловчилар унга.

Биз бу кишини қайси хўжаликда яшаши ва ишлаши билан қизиқдик. У Оққўрғон районидаги Илмий экспериментал базасида ишларкан. Исми Абдураҳмон, фамилияси Гайсинов. Икки фарзанднинг отаси бўлмиш Абдураҳмон Гайсинов бундай бўлиб юришдан уялмайсизми?

— Ҳа, уят!

Бир группа йўловчилар номидан:
Турсунбой **МИРҚУРБОНОВ.**

УЛУҒ ДОРИЛФУНУН

(СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИ ЗАЛЛАРИДА)

Одатда октябрь ойида улуғ юртимизнинг қалби ва ифтихори Москванинг кенг бағрини оппоқ қор қоплар, изғирин кўзни очирмасди. Пойтахтнинг бу йилги кузи ўзгача, муътадил келди. Шаҳарнинг табиати яшнаб турибди. Одамлар унинг мусаффо ҳавосида яйраб юришибди. Кенг ва серфайз кўчаларининг у томонидан бу томонига бетиним оқиб бораётган ўғлонлар ва лобар аёллар хушнуд, илтифоткор. Кремль, Қизил майдон атрофидами, Мир проспекти ёки Горький кўчасидами, Черемушка ёки университет теварак-атрофидами, қайингги, улкан пойтахтнинг қайси ерида бўлманг турли миллат фарзандларини кўрасиз, завқланасиз. Социалистик Ватанимизнинг қарийб эллик йиллик тарихи давомида халқларимиз ўртасида қарор топган биллурдек пок, гранитдай мустаҳкам дўстликнинг улуғ манзили Москва бўлиб қолганлиги билан фахрланамиз. Ахир, бунақанги дўстлик юртимиз тарихининг бирор саҳифасида борми? Йўқ. Асло, йўқ!

Халқлар дўстлигининг улуғвор даргоҳи Москва Совет Социалистик республикалари Иттифоқи тузилган муборак ва мўътабар куннинг ярим асрлик тарихини нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда. Ана шу тарихан жуда қисқа, аммо мазмунан таърифдан ташқари буюк ютуқларимиз Москвада, Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида тантанавор намойиш этилади. Ҳар бир иттифоқдош республика Совет ҳокимияти йилларида халқ хўжалигининг қайси соҳасида қандай ғалабаларни қўлга киритган бўлса, 216 гектарли катта майдонда салобат тўкиб турган ажойиб павильонларда намойиш қилади.

Халқ хўжалиги ютуқларининг чинакам дорилфунуни сифатида бутун дунёда шуҳрат қозонган виставка ҳамиша одамлар билан гавжум бўлади. Жаҳоннинг ҳар ёғидан келган меҳмонлар совет кишиларининг ақл-идроки, ижодий, яратувчилик меҳнати, фан-техникамиз юксак парвозининг шаҳодати бўлган химия ва автоматика, радиоэлектроника ва атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш, электрофикация ва геология, транспорт ва металлургия, деҳқончилик ва енгил саноат, фан, маданият ва халқ маорифи соҳаларида кашф этилган турли-туман нарсаларнинг мафтуни бўлади.

Олтин кузнинг мана шу серфайз кунларида бу мўъжизалар макони айниқса яшнаб кетган. Умуман Совет меъморчилиги, хусусан миллий меъморчиликнинг гўзал обидалари бўлиб қолган баҳайбат павильонлар атрофига ранго-ранг гуллар, ям-яшил дарахтлар ажойиб латофат, файз бахш этиб турибди. Халқлар дўстлиги номи билан аталувчи мўъжизакор фонтан катта майдонга алоҳида ҳусн бериб турибди. Марказий павильон пештоқига қиё боқсангиз кўзингиз тиниб кетади. Ҳар бир павильонда халқ хўжалигининг бир соҳаси қойил қилиб акс эттирилган. Бундай павильонлар етмишдан ортиқ. Бир кунда уларнинг қай бирини кўришга улгирасиз? Бордию ҳамма-ҳаммасини шошмасдан бирма-бир томоша қилмоқчи бўлсангиз неча кун керак бўлади.

Мамлакатимиз халқ хўжалиги тараққиётининг ёрқин кўзгуси бўлган афсонавий виставканинг баъзи павильонлари тўғрисида қисқача ҳикоя қилмоқчимиз. Аслида уларнинг ҳар бири бир достонга арзирли.

Марказий павильонда томошабинлар гавжум. Кимни нима қизиқтирса у шу ерда. Унинг мазмунларга бой экспозицияларига диққат билан назар ташлаймиз. Экспозицияларда зикр этилган рақамларнинг мағзини чақиб кўрсак, Россиянинг ўтмиши билан социалистик ҳаёти ўртасида юз берган бурилиш нуқталарини яққол акс эттирувчи рақамлар заминида қанчадан-қанча гап бор. Бўлганда ҳам оғиз тўлдириб гапиришга арзирли. Залларда намойиш этилган экспонатларга эътибор билан, диққат билан назар ташласак, улардан бир жаҳон янгиликларини дарҳол пайқаб оламиз. Мана, улуғвор панорама. Ильич нурларида нурафшон бўлиб турган бу панорамага узоқроқдан назар ташланса, турли миллат вакилларининг анжумани яққол кўзга ташланади. Ана шу панорамада виставка тарихининг зарварағи акс этган. Яъни кўпмиллатли халқлар қондош, жондошлигининг ифодаси. Виставкадаги ажойиботларнинг ҳаммасини шу халқларнинг қўли гул, ақли тиран фарзандлари ижод этган. Улар сафида ўзбекнинг асл ўғлони машҳур пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони марҳум Назарали Ниёзовнинг сиймоси ҳам салобат билан гавдаланиб турибди.

Павильон заллари оралаб экспозицияларни кўздан кечирамиз. Уларнинг ҳар бирида олам-олам маъно бор. Мана бу залда Совет Иттифоқида социализм ғалабаси акс эттирилган. Ўтмишда қолоқ, аграр давлат бўлган мамлакатимиз социализм шарофати билан жаҳондаги энг қудратли индустриал давлатга айланганлигини ҳикоя қилади бу зал. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда СССР Европада биринчи ўринни мустаҳкам эгаллаб олганлигини кўрсатувчи рақамларга назар ташласак, бизнинг саноатимиз йил сайин гигант қадамлар билан ривожланганлиги яққол кўринади. Мана бу витраж, фотосурат, жадвалларда миллий республикалар экономикаси ва маданияти қанчалик тез ривож топганлиги, гуллаб-яшнаганлиги акс эттирилган. Қўш Ленин орденли Ўзбекистонимиз экономикаси ҳамда маданияти тараққиёти ҳам шу ерда зикр этилган. Пахтачилик ва чорвачилик, машинасозлик ва тўқимачилик, фан, маданият ва маориф соҳаларида эришилган буюк ютуқларимиз ифодасини кўрамиз шу ерда. Ўтмиш авлодларимиз ҳатто игнани ҳам четдан олган бўлсалар, энди республикамиз етмишдан ортиқ мамлакатга ўз маҳсулотини чиқариб, бутун жаҳонга донг таратди. Фактлар ва рақамлар шундан гувоҳлик бериб турибди.

Навбатдаги залдамиз. Бу ерда саноатнинг етакчи тармоқлари — машинасозлик, энергетика, химия, енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда капитал қурилиш соҳасида етти йилликда қўлга киритилган ғалабалар акс эттирилган. Шу залнинг ёнгинасидаги зал деҳқончиликка бағишланган. Мамлакатимиз колхоз ва совхозларида 1.5 миллиондан ортиқ трактор ишла-

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Таниқли Дания рассоми Херлуф Бидструп Ўзбекистонда тўрт кун меҳмон бўлди. У Тошкент ҳаёти билан танишди ва унинг йирик янги қурилишларида бўлди. Тошкент тўқимачилик комбинати, Янгийўл районидаги Ленин номли колхозни бориб кўрди. Меҳмон Самарқандга бориб, унинг қадимий ёдгорликлари ва янги қурилишларини кўздан кечирди.

Херлуф Бидструп Ўзбекистон ҳаётига бағишланган бир қатор расмлар, лавҳалар чизди.

Кеча Дания рассоми Тошкентдан Бокуга жўнаб кетди.

ШОЛИ ЎРИМИ ҚИЗҒИН

ҚЎНҒИРОТ, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Қорақалпоғистон Автоном республикасидаги шоликор хўжаликларда ҳосил ўрим-йиғими қизитиб юборилди. Шу долзарб кунларда шоликорларнинг диққат-эътибори етиштирилган ҳосилни сира нобуд қилмасдан тезроқ ўриб-йиғиб олиш ва давлат планини тез бажаришга қаратилган.

Чапаев номли совхознинг шоликорлари 2140 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳозир совхоз даласида 9 та комбайн, 8 та жатка ишлаб турибди. 661 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш учун курашаётган Жумамурод Отамуродов раҳбарлик қилаётган бўлимда салкам 300 гектар майдондаги шоли ўриб олинди. Шу бўлимнинг Тангриберган Ўралбоев бошлиқ бригадасида деярли ҳамма майдондаги шоли ўрилди ва янчилди.

Бўлимнинг илғор комбайнчиларидан Болтабой Давлатёров, Жаббор Худойберганов, Павел Тен ўртоқлар смена топшириқларини 1,5-2 ҳисса ошириб адо этаётирлар. Ўрозали Керекбоев, Турғонбой Бекжонов, Омон Бекжонов ўртоқлар бошқараётган машиналарда шоли янчиш топшириқлари 165-180 процентдан бажарилмоқда.

Совхоз шоликорлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини 20 октябргача бажариш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

РЕПОРТАЖ

ДЎСТИНГ ЁРДАМГА КЕЛГАЧ...

Биз уларни айни туш пайти учратиб қолдик. Барваста дарахт соясида уч-тўрт киши чордона қуриб шўрва ичишяпти. Ўртада хумчойнак тўла кўкчой нафисгина буғ чиқариб турибди. Шу топда колхоз партия ташкилотининг секретари келиб даврага қўшилди, механизаторлардан ҳол-аҳвол сўради:

— Ишлар қалай, азаматлар?

— Зўр! — деди кимдир қошиқни арта туриб. — Масалан, мен 2 тонна тердим. Манави шеригим бўлса — бир ярим тонна.

Қуёш ҳамон қиздириб турар, қош қорайгунча ҳали қарийб 5 соат вақт бор эди. Фикран чамалаб кўрдим: агар механизаторлар суръатни бўшаштирмасалар, кунда 4-5 тоннадан пахта теришлари мумкин. Бу чакки эмас. Чунки бригада далаларидаги ҳосил шундан дарак беради:

— Механизаторларингиз яхши теришяпти, лекин ҳосилингизнинг чўғи унчалик яхши эмасми, дейман.

Партия ташкилотининг секретари гапимга эътироз билдирмоқчи бўлди. Фикрингизга тўла қўшилолмайман, деди. Бу бригада колхоздаги энг пешқадам бригадалардан бири эканлигини айтди.

Ундан бу гапларни эшитиш ғалати туюлди. Чунки менинг билишимча, колхозда 35 центнердан ҳосил етиштираётган бригадалар ҳам бор. Бу бригада эса гектаридан 24 центнердан пахта бермоқчи экан. Шундай бўлгани ҳолда партия ташкилотининг секретари Пардабой Холиқов бу бригадани мақтамоқчи.

...Бешинчи бригада бир неча йил сурункасига пахта планини бажара олмади. Бригада бошлиғи ҳам, бригада аъзолари ҳам «бизга ёмон ер тушди», деб нолишди.

Бултур коммунистларнинг ҳисобот-сайлов йиғилишида Қирғизбой Ниёзов ўзини қолоқ бригадага юборишни сўради. Унинг илтимоси қондирилди. Коммунист механизатор Бобоқул Кўчимов ҳам у билан бирга қолоқ участкага ўтди. Шу бригада гектаридан 17 центнердан пахта топширишга аҳд қилди. Илгари юқори ҳосилли бригадага бошчилик қилиб келган Ниёзов ва механизатор Кўчимов ўртоқлар катта ваъда беришга негадир унашмади. Сирасини айтганда, бригада ери нотаниш, одамлар орасида меҳнат интизоми бўшашиб кетган эди. Бироқ, янги бригадир бутун имкониятларни ҳисоблаб чиқди. Шундан сўнг гектаридан 18 центнердан ҳосил кўтаришга қарор қилинди. Аммо бригада мажлисида механизатор Кўчимов бундай деди:

— Олган мажбуриятимизни давлат плани деб ҳисоблашни тавсия этаман, план — бу қонун, уни бажармасдан мумкин эмас. Лекин биз янада мўл ҳосил учун курашмоғимиз зарур. Мендан нимаики керак бўлса, бажонидил бажаришга тайёрман. Лекин ҳар биримиз ғайрат ва жасорат кўрсатиб меҳнат қилишимиз лозим.

Унинг бу гаплари кўпчиликка маъқул тушди. Даставвал, бригадада ҳисоб-китоб ишлари яхши йўлга қўйилди. Пахта етиштиришда агротехника қоидаларига тўла риоя қилина бошлади, меҳнатга ҳақ тўлаш яхшиланди. Колхозчи аёлларга етарли шароит яратиб берилди, дала шийпонида мавсумий болалар боқчаси очилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш йўли билан кўп ва сифатли пахта етиштириш бригада аъзоларининг жанговар шиори бўлиб қолди.

Ишлар юришиб кетди. Бригада аъзолари колхозда биринчи бўлиб кузги шудгорлашни тугалладилар, ернинг шўрини сифатли ювдилар. Эрта баҳорда ерлар борона қилинди. Экиш-тикиш ишлари қисқа муддатда ўтказилди. Чигит қийғос ундириб олинди ва ғўза парвариши қизитиб юборилди. Ғўза парвариши билан боғлиқ бўлган барча ишларнинг агротехника муддатларида ўтказилиши яхши натижа бера бошлади. Июль ойининг охирларига келиб олинган мажбуриятни қайта кўриб чиқишга тўғри келди. Бригада аъзолари ҳосил чўғини чамалаб кўриб, 81 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 24 центнердан пахта топширишга аҳд-паймон қилишди.

Мана, механизаторлар даврасида менинг фикримга одамлар нима учун қарши чиқаётганлигининг сирини энди билиб турибман. Мен ҳосилнинг чўғи унча яхши эмас, деб хато қилибман. Ахир, ҳар гектар майдондан пландагига қараганда 7 центнердан зиёдроқ пахта топшириш ҳазилакам иш эмас.

Нега Кўчимов кунда 4-5 тонна пахта теради-ю, Давлатовнинг бункердан тўккан пахтаси 2-3 тоннага етар-етмас бўлади?

— Қозоқ Давлатов яқиндагина механизация мактабини битириб келди, — дейди Кўчимов, — биринчи марта пахта теряпти-да.

— Қанча термоқчи?

— 60 тонна, — деди Давлатов.

— Кўп теради, гапга аралашди Кўчимов. — Давлатов машинани яхши билади, билими бор. Менда тажриба бўлса, у назарияни мукаммал ўрганган. Бир-биримизга дўстона ёрдамлашаверамиз.

Давлатов ўрнидан турди-ю, биз билан хайрлашиб, машинаси томон тез-тез юриб кетди. Биз Бобоқул Кўчимовни ҳам ушлаб турмадик. У ҳам ўз агрегати томон ошиқарди. Ахир, Бобоқул бу йилги мавсумда 95 тонна пахта теришга сўз берган-ку. Шундай долзарб дамларда уларнинг вақтини олиш ноқулай туюлар экан.

Ана Қозоқ Давлатов агрегатини пахтазорга бурди. Унинг кетидан Бобоқул Кўчимовнинг «зангори кемаъси бир меъёрда сузиб борарди. Чаноқлардан тошиб турган оппоқ толалар гўё кабутардай бункерларга учарди.

В. КОЧЕРОВ,
Сирдарё районидаги Максим Горький номли колхоз.

Муҳаррам Бозорова Хатирчи районидаги «Партия XXII съезди» колхозида илғор теримчи сифатида танилди. У мавсумда 15 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олиб, кунига 180-190 килограммдан «оқ олтин» тераётир. Суратда: М. Бозоровани кўриб турибсиз.

З. Барноев фотоси.

ОЧЕРК

ТОҒДАГИ ДИЁР

ҒИЛОНДА бўлганмисиз? Йўқ, дейсизми! Эҳ-ҳе, демак Қашқадарёни кўрмабсиз ҳали, — деди суҳбатдошимиз Худойберди ака тиззасига уриб.

— Таърифини эшитганмиз-у... Лекин бир бормоқчи бўлганимизда йўлни қор босиб қолган экан, яна бир сафарга чиққанимизда йўлда отлар ҳориб, қайтдик.

— Албатта боринглар,— деди Ҳақбердиев пиёлага чойнакдан чой қуяркан, жуда истеъдодли, заҳматкаш, дидли халқ яшайди у ерда. Дутор, садаф дастали пичоқ ясашади. Таърифи йўқ. Дуторини қўлга олсанг, торлари ўзи садо беради. Тахта устига сабзини тик қўйиб, ғилони пичоқни шундоқ яқинлаштирсанг, тиғи тегмасданоқ сабзи турган жойида қиймаланаверади...

— Жа ошириб юбордингиз-ку!

— Йўқ, ҳали мен таърифини келтиролмадим.

ОСМОН — шиша том. тоғлар — унга чиқадиган нарвон. Оқдарё ёқалаб тоққа чирмашиб-ўралиб кетган сўқмоқ йўлдан юқорига интиламиз. Қоя, қоя ортида яна қоя, худди тизилиб кетган пиллапоя. Йўл четида уйдек-уйдек харсанглар жарга қулаб кетадигандек илиниб турибди. Бош айланиб, кўз тинади. Машина пойгада чопган отдек қизиб кетган. Радиатордаги сув қайнаб, куйган резина ҳиди кела бошлади.

— Ҳайронман,— деди шерикларимиздан бирининг нафаси қисиб,— нима зарур одамларга шунча баландга чиқиб яшаш? Пастда жой етишмасмиди?!

Худойберди ака мийиғида кулди. Кўзларини қисиб, олдиндаги баланд хайбатли қоя устида чир айланиб турган лочинга тикиларкан:

— Қанча юқорига кўтарилсанг шунча узоқни кўрасан,— деди.— Улар жасоратли, гўзаллик ошиғи бўлган кишилар.

ЯНА йўл. Тоғ-тош. Харсангларга қапишиб ўсган зирк. Жийда. Дўлана. Ёнбағирлардаги буғдойлар ҳали пишмаган, бошоқларнинг қилтиғи энди сарғая бошлабди. Тўда-тўда каккликлар. Қоялардан пастга кумуш арғимчоқдек осилиб тушаётган ирмоқлар. Йўл четидаги қоровулдек турган катта ёнғоқнинг ҳар бир япроғи остидан ўнлаб қушларнинг сайраганини эшитилади. Дарахт шохлари барг эмас, сайроқи қушчалар билан қопланганлек.

Ниҳоят икки дарани бирлаштирган осма кўприкдан ўтдик: Ғилон! Салом Ғилон, Ўзбекистон «Томи»даги диёр! Денгиз сатҳидан 1975 метр баландлаги жаннат макон!

Харсанглар устида гул, ўтлоқ, дарахтлар. Шу дарахтзор орасида қишлоқ. Худди кафтда тургандек. Қоя учидан адрғача чўзилган чўпгари, болохонадор уйлар сувга тушиб кетмасин, деб бирбирини маҳкам қучоқлаб турибди. Гўзал манзарага боқиб кўзинг «тўймайди». Устида гул ўстирилган харсанглар, кумуш шалола, шиша осмон. Қуёш майин нур элаб турибди. Кўчаларда одам кўринмайди. Ғилонда ёз қисқа, ўрик, буғдой сентябрда пишади. Қиш эса 5-6 ойга чўзилади. Йўл, сўқмоқларни бир ярим-икки метр қалинликда қор босиб қолади.

КУН БОТАРДА колхоз чойхонасига бордик. Араби гиламлар тўшалган. Деворда рубоб, тамбур, ғижжак, дуторлар. Асбобларга тикилиб турганимизни сезган чойхоначи Иззатулла ака Жумаев:

— «Сайратадиган»лари энди даладан қайтишади, — деди. — Юринг унгача у ёқ-бу ёқни кўрайлик.

Ҳар бир кўчадан бир жилға оқади. Кўз ёшидай тоза. Ердан бир метр баланд кўтарилган новча сувидан ичишади, остидаги жилғадан молларни суғоришади.

Кўп ҳовлиларнинг дарвозаси пештоқига архар (тоғ кийиги)нинг чиройли шохи қоқиб қўйилган.

— Бу нимаси?— сўрадим Иззатулла акадан.

— Ўндан ортиқ архарни отган овчилар хонадони бу. Мерганлар, эл тан олган чавандозлар шундай қилишади.

Чойхона — клуб пештоқига ҳам архарнинг бурама шохи қоқиб қўйилган.

Кечқурун клуб-чойхона гавжум бўлиб кетди. Раис Сайфулла ака Ниёзовнинг изидан кишилар кетма-кет келишаверди.

— Ассалому алайкум, бир танишиб қўйяйлик. Уста Икром Сами.

— Уста Ражабали.

— Ботир, мактаб ўқитувчиси.

— Бегали Ортиқ, кутубхоначи...

Уйни турли куйлар овози тутиб кетди. Бири қўйиб бири соз чертади, бири қўйиб бири ашула айтади. Навоий, Фузулий, Рудакий, Машраб... Айниқса усто Икром билан Ражабали ўзлари ясашган қўш дуторда «Муножот» ва «Кўлоби»ни чалишганда, шундай ҳадоқ қўлли камтарин кишилари, шундай куйлари бор ёруғ оламда яшаётганингдан хурсанд бўлиб кетасан, киши.

ТОНГ ғира-ширасида булбулнинг чулдир-чулдир товушидан уйғондим. Хўжалик ишлари билан танишдик. Колхознинг 28 минг гектар ери бор. Шуннинг 700 гектари суғорилади, 160 гектар боғ, 3400 гектар яйлов. Ғилонга 1-тракторни 1958 йилнинг ноябрида Қурбонназар Мирназаров тоғ сўқмоқларидан йўл топиб, олиб келган экан. Шундан сўнг колхоз ўн машина, трактор, 2 комбайн олди. Илгари қишлоқ четдан қурилиш матерьаллари олмаган. Аҳоли жон бошига 18 тадан терак экишиб, шундан уй-жой қуришган. Ҳозир Ғилонда 1 ўрта, 2 саккиз йиллик мактаб бор. 2 клуб, 3 касалхона (гарчи бу ерда касал деярли йўқ бўлсада), 1 дорихона, 3 медицина пункти. кўплаб чойхона-клублар ишлаб турибди. Қишлоқдан 27 киши институтларда, 7 киши техникумда ўқияпти.

— Ўтган йилдан бошлаб тамаки экяпмиз,— дейди раис.— Меҳнати кўп. Ҳар бир баргига мавсумда 4-5 марта қўл тегади. Лекин халқимиз меҳнатдан қочмайди. — Раис мийиғида кулди. — Қаранг, 2,5-3 метр ўсиб кетган. Ичига одам кирса адашиб қолади. 1 гектаридан 2400 сўмдан фойда оляпмиз.

Мен раисдан «халқимиз меҳнатдан қочмайди» деганда кулганининг боисини сўрадим.

— Бунинг тарихи узун. Эллигинчи йилларда баъзи ўйлаб-кетмайдиган раҳбарларимизнинг таклифи билан Ғилон аҳолисини Шаҳрисабз. Китоб ерларига кўчиришмоқчи бўлишди. (У жойларда аҳоли зич, қўшимча ишчи кучига ҳеч ҳожат йўқ).

Тўғрида, Ахир, қаранг, бу ердаги ҳар бир тош, ҳар сиқим тупроқ, дарахт жонли тарих-ку. Архар зўрға юра оладиган қоялардан ариқ қазиб, сув келтирган, елкасида тупроқ ташиб, тоғ устида боғ яратган, бутун Ўрта Осиёга машҳур дутор ясаган кишиларни эринчоқ деб бўладими!

1924 йилнинг ёз кунлари эди. Иброҳимбек талончилари қишлоқ ўртасидаги Сечашма ёнида ўсган катта чинор соясида ётиб олиб, кишиларга буйруқ берарди.

Гап қайтарган кимсанинг бошини ўша заҳотиёқ танасидан жудо қилишарди.

Охири пичоқ бориб суякка етди, аҳолининг сабр косаси тўлди. Ўша пайтда навқирон йигит бўлган Юсуф Ёқубов, Одина Шукуров, Абдирасул Қодировлар ўзлари қурол аслаҳа ясаб, аҳолини қўзғолонга тайёрлашади. Уч суворий — Тош Маҳмаёров, Ҳори Абдушукуров, Қурбонназар Авазбадалов ёрдам сўраб, Шаҳрисабзга жўнатилади. Бундан хабар топган босмачилар уч суворийни йўлда тутиб, ўлдиришади. Қишлоққа келиб 78 кишини қатл этишади. Хотинларни, ҳатто бешикдаги гўдакларни бўғизлаб, қишлоққа ўт қўйишади. Мана бу, сиз кўриб турган уйлар кейин қурилган. Ғилон усталари қурган бу уйлар ҳар қандай бўрон, сел ва зилзилага бардош бера олади.

Ота-боболаримизнинг қони тўкилган харсанглар устида Ҳожи ота «боғ қурди». Ҳа, «қурди» деганимнинг маъноси боғ ниҳол экиш учун тупроқ керак. Шу сабабли Ҳожи ота олдин елкасида, эшакда, машинада узоқ ерлардан тупроқ ташиб келиб, тошлар устига тўкди. Сўнг дарахт ўстирди.

Бу ерларни ташлаб кетиб бўлармиди,— дейди раис боғларга хаёлчан боқиб,— юрагинг узилиб қолади, юрагинг...

СЕЧАШМА булоғи ёнида шохлари тарвақайлаб кетган улкан тут дарахти ўсиб турибди. Боботут. Таналари ғадир-будир, буришган. Чолдек вазмин. Хаёлга чўмган. Ҳа, у жуда кўп воқеаларнинг гувоҳи. Унинг устига чиқиб, шохларига оёқ осилтириб ўтириб, чуғурлашиб тут еяётган болалар 1924 йилда босмачилар худди шу тут дарахти остида йигирма тўрт қўли гул устани — боболарини ўлдиришганини билишмайди. Агар тутнинг тили бўлганда у, болаларга Ғилон уста-ҳунармандларининг устози Рустам Дарвеш тўғрисида сўзлаб берарди. Усто Рустам ҳамқишлоқларига ханжар, милтиқ ясаб бериб, босмачилар қурол сўраганда бош тортган. Шунда босмачилар устозни ўлдириб, ғилонликларни бу ҳунардан бенасиб этмоқчи бўлганлар. Йўқ, улар янглишган эдилар. Устознинг ўғиллари Абдуали, Жўрақул ота касбини давом эттирмоқдалар. Ҳунарни ўлдириб бўлмайди!

Айтгандай, гапимиз шохтут — оқтут ҳақида бораётган эди. Биз Ғилонга боргунча йўлларда, тоғ-тошларда, қишлоқдан узоқдаги адрларда тарвақайлаб ўсган шохтутларни кўрдик. Ҳатто кишилар чиқиши қийин бўлган қояларда ҳам. Ота-боболаримиз уларни қаерда бўлишидан, ҳосилини кимлар еийишидан қатъи назар экиб кетишган. Нега бизлар экмаймиз?

Ғилонда 105 ёшдан ошган Норҳолмома яшайди. Ҳали ҳам тетик, бақувват. Ҳамма аъзолари соғ. Ундан овқатини, режимини сўрасам, онахон:

— Очиқ ҳавода кўп юраман. Мевага ўчман, айниқса тутга,— деди.— Оқ-шохтутга!

ТОҒЛИКЛАРДА, чўққига чиққан кўп нарсани кўради, деган мақол бор. Ҳа ғилонликлар кўп нарсани кўрадиган, кўп нарсаларни билишадиган, соф кўнгил, гўзал, қувноқ, донишманд экан.

Шу боисдан тоққа чиқсанг, қайтишингда унинг чўққиларига тикилиб яна чиқаман, яна келаман, деркансан.

Самар НУРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири,
Шаҳрисабз, «Маданият» колхози.

СССР халқлари IV спартакиадаси олдидан

МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ОСОНЛИКЧА ЭРИШИЛМАЙДИ

Спортчилар мусобақадан жуда хориб чиққанларида таниш шахматчиларни учратиб қолишгудек бўлса борми, ярим ҳазил, ярим чин оҳангда:

— Ҳамма маза сизларники, оёқларингни чалиштириб оласизлар-у, кичкина-кичкина доначаларни у ёқдан бу ёққа суриб ўтирверасизлар, дейишади.

Олдиндан айтиб қўяй, уларнинг орасида шахматга бошқача кўз билан қарайдиганлари ҳам топилиб туради. Шу баҳонада бир воқеа эсимга тушиб кетди...

Кичкина залда юздан ортиқ одам. Шунга қарамай жимжитлик ҳукм сурарди. Қулоққа доначаларнинг аста тиқир-тиқиридан ўзга овоз чалинмасди. Ўртароқдаги столларнинг бирида ёши қирқларга бориб қолган кўзойнакли бир шахматчининг пешонаси йилт-йилт қилар, кўзларини бир нуқтадан узмай гоҳ қизариб, гоҳ оқариб қаттиқ ўйланиб ўтирарди. Ҳаммаси бўлиб 15-16 юриш қилинган, унинг бир пиёдаси ортиқ. Чуқурроқ мулоҳаза юритган киши: ҳа, энди буёғини эплайди деб ўйлаши турган гап. Лекин аслида эса аҳвол танг эди. Чамаси бир соатча ҳисоб юритгач ниҳоят тахтадан бошини кўтариб:

— Дурангга табингиз қалай, йигитча, — деб савол назари билан қаради у ёш рақибига.

— Розиман,— жавоб қилди ёш шахматчи тортинибгина.

Ўйин тугаб клубдан чиқиб кетаётганимизда боланинг ўйини ҳақида кўзойнакли шахматчида қандай фикр туғилганини билмоқчи бўлдим.

— Республика терма командангларда қайси тахтада ўйнайди? Илгари бу йигитчанинг номини эшитмаган эдим?! — саволимга савол билан жавоб қайтарди суҳбатдошим.

— Катталар орасида ҳам унчалик иш кўрсатолганича йўқ, — деб давом этдим. — Оддий, биринчи разрядли ёшларимиздан. Дурустгина қобилияти бор. Чирчиқдаги трансформатор заводида техник бўлиб ишлайди.

— Эсизгина, марказдан сал узоқроқда экан-да, — сал бўшашиброқ деди у. — Моҳир педагогнинг ёрдамига муҳтож, ўзи жуда бўладиган бола. Уни қўлдан чиқарманглар...

Бундан беш-олти йил муқаддам Тошкентдаги марказий «Пахтакор» стадионига қарашли шахмат клубида СССР биринчилиги ўтказилиб, кўпгина машҳур гроссмейстер ва мастерлар иштирок этган эди. Улар орасида ленинградлик халқаро мастер, шахмат назариётчиларидан бири Семён Фурман ҳам бор эди. Биз айтган кўзойнакли шахматчи шу киши. «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти Марказий Совети терма командасида ўйнаган ёш шахматчи эса икки йил муқаддам республика биринчилигида спорт мастерлигига кандидат номини олишга муваффақ бўлган Урмет Ибадуллаевдир. Дарвоқе, гапни эътироздан бошлаган эдик. Асослашимиз лозим. Катта мусобақаларда ўйин 4-5 соат давом этади. Шу вақт орасида томонлар камида қирқтадан юриш қилишлари керак. Ҳар бир юришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун мумкин бўлган вариантларни, бинобарин улардаги барча имкониятларни таразига солиб кўриш талаб этилади. Ғалабага эришиш йўлида қанчадан-қанча ғовларни енгиш, оғир аҳволда қолганда ундан қутилиш учун қанақа тер тўкишини кўз олдига келтириб кўринг-а?

Республикамизда Урметга ўхшаш қобилиятли ёшлардан яна анчагина бор. Олмалиқлик учта ака-ука Аъзамовларнинг ва Тошкент атрофидаги мактабларнинг бирида аъло баҳолар билан ўқиётган 13 яшар Эрнест Кимнинг таърифи Иттифоққа кетган. Улар ўқишда ҳам, шахматда ҳам илғор. Ўзбекистон XIII спартакиадаси программаси бўйича ўтказилган мусобақаларда Тошкент область терма командаси иккинчи мукофотли ўринни эгаллади. Бунда номлари зикр этилган шахматчиларнинг ҳиссаси катта бўлди. Мана шунақа кўп соатлик ақлий кўрашга тоб бера оладиган ёшлар сони қанчалик кўпайса, уларнинг маҳоратини ошириш йўлида тегишли шарт-шароитлар яратиб, ғамхўрлик қилинса айни муддао бўлур эди.

Буни область, шаҳар, район спорт ташкилотлари, уларнинг ўнг қўли — жамоатчи федерация ҳамда секциялари уддалай оладилар.

М. МУҲИТДИНОВ,
Ўзбекистон шахмат федерациясининг раиси, СССР спорт мастери.

мокда. Комбайнларнинг сони ярим миллиондан ортиқ. Яна рақамлар, рақамлар! Уларнинг ҳар бири қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини механизациялаштирилганидан, деҳқонларнинг меҳнати роҳат-фароғат манбаига айланиб бораётганидан далолат беради. КПСС Марказий Комитетининг 1965 йилги март Пленуми қарорларида акс эттирилган рақамлар кўзга ташланиб турибди.

Виэда ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун! Павильонлардан бирининг экспозициялари ана шу инсонпарварликни ифода этади. Бу ердаги рақамларни келтириб ўтирмаймиз. Чунки уларнинг ҳаммаси маълум, партия XXIII съезди ҳужжатларида акс эттирилган. Уларда халқимизнинг моддий-маданий фаровонлиги совет ҳокимияти йилларида қанчалик ўсганлиги, яқин йиллар ичида бу соҳада амалга ошириладиган тадбирлар ойнадек равшан акс этиб турибди.

Қўшни залга қадам ташлаймиз. Ундаги экспозициялар мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг жуда катта халқаро аҳамиятига бағишланган. Улкан сиёсий харитага назар ташласан, Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли жаҳонда юз берган буюк, гигант революцион ўзгаришлар намоён бўлади.

Марказий павильон совет халқи қўлга киритган афсонавий ғалабалардан ҳикоя қилади, қат-қат эсдалик дафтарларини варақладим. Дунёнинг турли қитъаларидан Москвага келиб, шу ерни томоша қилганлар ажойиб фикрларни ёзиб қолдиришган. Минг-минглаб ана шундай фикрларнинг бирида: «Мен бундай мўъжизани ҳеч қачон кўрмаганман. Бу ерда кўрганларимнинг ҳаммаси социалистик тузумнинг шарофатидан бошқа нарса эмас. Шу революцион, илғор тузум инсоннинг ҳам руҳий, ҳам ижодий камол топиши учун чексиз имконият яратиб берганлигининг далолати бу. Бу ажойиботлар миллий мустақилликка эришган мамлакатлар, жумладан биз учун улуғ мактабдир. Мен ниҳоятда қойил қолдим. Кубалик инженер РОМЭ».

Улкан машинасозлик павильони. Бу ерда баҳайбат машинадан тортиб кичик деталларгача бор. Экспонатлардан бири — АКРО-У установкаси эътиборимизни ўзига тортади. Бу установка асбоб-ускуналар ҳаракатини автоматик равишда контроль қилиб туради ва уларнинг иши тўғрисида аниқ ахборот беради. Мана, «Экспорт-1» комплекс установкаси. Ундан ишлаб чиқаришни бошқариш ва оператив назорат қилишда фойдаланилади. Бу установканинг мўъжизакорлиги шундаки, у ишлаб чиқарилган маҳсулот ва асбоб-ускуна қанча ишлаганлигидан аниқ маълумот беради, станок қанча вақт бекорга айланганлиги ва деталларнинг ҳолатидан воқиф қилади. Электроимпульс станоги, эритишнинг прогрессив усули, машина деталларини электромеханик метод билан ишлайдиган асбоблар кишини ҳайратга солади. Экспозициялардан бирида янги полимер материаллар ва улардан халқ хўжалигида фойдаланиш йўллари кўрсатилган. Шунингдек, совет халқининг космик фазони ўзлаштиришдаги мислсиз янги ютуқлари кенг намойиш этилган.

Павильонда биринчи марта «Халқ хўжалигида телемеханика» номли тематик виставка очилган. Бу ердаги «Радиус» типидаги ТУ-ТС, ТСФ-63 С телемеханика аппарати диққатни ўзига тортади. ТСФ-63 С аппаратининг бажарадиган ишига мутахассислар яхши тушунишади. Ундан алоқанинг юксак частотали кучлантирувчи пунктлари, ТСП ўтказгичларини унификация системаси ишида фойдаланилади.

Радиоэлектроника, ҳисоблаш техникаси павильонларидаги томошабинларнинг кўпчилиги шу соҳаларнинг муҳлислари. УНТ-35, УНТ-47, УНТ-59 типидаги унификация қилинган телевизорлар, олий, биринчи, иккинчи ва учинчи класс радиолалар, магнитолалар, дунёда биринчи бўлиб ижод этилган «Эра», «Микро», «Маяк» маркали митти приёмниклар, АТЭ-80 маркали алифбе-рақам ферротранзистор ҳисоблаш машинаси сингарилар ақлни ҳайрон қолдиради. Ҳалиги маркали телевизорларга қарасангиз ўз аксингизни кўрасиз. Булар фан ва техника соҳасида сўнгги йилларда қўлга киритилган улуғвор ютуқларнинг кўзгусидир.

Деҳқончилик павильони икки тематикага бўлинган. Бири Тимирязев номли қишлоқ хўжалик академиясининг 100 йиллигига бағишланган. Бир аср давомида академия қучоғида тарбияланиб донг таратган олимлар ва улар кашф этган сабзавот, мева, картошка, олма навлари кўзингизни қамаштиради. Иккинчиси, мамлакат турли зоналаридаги колхоз ва совхозларни агрохимия билан таъминлаш тажрибасидан ҳикоя қилади. Шу павильонда «Юқори ҳосилли гибридлар ва маккажўхори навлари» юзасидан кўрик ўтказиляпти. Бу кўрикда машҳур маккажўхорикор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Люба Ли етиштирган маккажўхори намуналари ҳам намойиш этиляпти.

Боғдорчилик, узумчилик, асаларичилик ва чорвачилик, қўйчилик ва ветеринария павильонлари ҳам жуда ажойиб. Машҳур соҳибкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Давлат мукофоти лауреати Ризамат ота Мусамуҳамедовнинг республикамизда узумчиликни ривожлантиришда эришган ютуғи билан шу ерга келган ҳар бир томошабин мукаммал таниша олади. Мўътабар боғбонимизнинг кашфиёти виставкага келганларнинг анча қисмини қойил қолдираётганлигининг шоҳиди бўлдим.

Мелиорация ва сув хўжалиги павильони Мирзачўлни ўзлаштириш, Шимолий Қрим канали сингари улкан ирригация қурилишларини кўрсатишдан бошланади. Тожикистондаги йирик Вахш суғориш системаси ва Хоразм областининг шўр ерларни мелиорациялаш тажрибаси қайси деҳқонни ёки агрономни қизиқтирмайди. Бу ерга келган кишилар ана шу илғор тажрибани диққат-эътибор билан кузатишяпти. Хоразмда ернинг шўрини қочириш ҳисобига энг юқори — гектаридан 35 центнердан ҳосил олинаётгани кўрсатилган. Ҳазорасп районидаги Нариманов номли, Янгиариқ районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозлари 40 центнердан ошириб пахта ҳосили олаётганликларини ҳикоя қилувчи экспонатлар ҳам шу павильонни безаб турибди. «Пахтаорол» совхозининг тажрибасини пропаганда қилишга ҳам кенг ўрин берилган.

Улуғ Ватанимизнинг кўп тармоқли халқ хўжалиги, фан-техникаси тараққиётининг кўзгуси, илғор тажрибаларнинг ҳақиқий мактаби — СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ҳозир Совет давлатининг эллик йиллик юбилейига тайёргарлик ишлари қизғин боряпти. Унинг ҳамма павильонлари янги экспонатлар билан бойитилади.

О. АБДУРАҲМОНОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбири.

БАЙРАМ ВАХТАСИДА

Вобкент районидаги «Зарафшон» колхозининг Турсун Тошев бошлиқ бригадаси коллективи Улуғ Октябрнинг 49 йиллиги байрами шарафига меҳнат вахтасида туриб ишламоқда. 63 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан «кумуш тола» олишга сўз берган бу азамат коллектив ҳозир 27 центердан ҳосил кўтарди. Ҳар куни давлатга йиллик планнинг 3,5-4 проценти миқдорида пахта териб топширилаётир.

Октябрь байрамигача 10-13 тоннадан пахта териб беришга аҳд қилган Матлаб Каримова, Орзу Ҳамроева, Мусаллам Комилова, Розия Яҳёева, Муҳиба Ваҳобова, Роҳила Нажмиддинова каби ўнлаб чеварларнинг ҳар бири кунига 180-200 килограммдан пахта териб, ўзаро мусобақада пешқадамлик қилаётирлар.

Пахтакорларга ёрдамга отланган ўқувчи ёшлар ҳам ўз ака-опаларидан орқада қолишаётгани йўқ. Худойберди Сафаров, Озода Ҳусанова, Шукрулло Жумаев, Ҳаким Ваҳобов, Фазол Эргашева каби қалби олов ёшлар кунига этаклардан 120-150 килограммдан «оқ олтин» тўкиб, хирмонга барака киритаётирлар.

Зафар ёр бўлсин, пахтакорлар!

Ҳ. ҚОДИРОВ,
Бухоро область.

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ улкан омбори ҳисобланган Кустанай базаси ҳар куни минглаб тонна ғалла қабул қилиб олади. Механизация ва автоматлаштириш кенг жорий қилинганлиги туфайли ғаллани сортларга ажратиш, тушириш, тозалаш ва омборларга тўкиш ишлари қисқа муддатда бажарилмоқда. Суратда: базага кириш майдони.

В. Давидов фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

САЛОМАТЛИК КАЛИТИ — ҚЎЛИНГИЗДА

Клиникага Неъматжон исмли 16 ёшли беморни жойлаштирдик. Синчиклаб суриштирсак, касаллик тарихи бундай экан: бундан 2—3 йил муқаддам томоқ оғриғи (ангина) пайдо бўлган. Бу касаллик бола сал шамолласа, совуқ сув ичса ёки мороженое еса, тез-тез такрорланиб турган. Баъзан тирсак бўғинлари ва оёқ болдирларида оғриқ пайдо бўлиб турар, тўрт дона «қурт еган» тиши ҳам вақт-бевақт безовта қилар экан. Аммо бунга на Неъматжоннинг ўзи, на ота-онаси эътибор берган. Врачларга мурожаат қилишмаган, даволаш ҳақида маслаҳат олмаганлар.

Неъматжон касал бўлмасдан ўн кун муқаддам синфдошлари билан шаҳар атрофидаги колхозга ёрдамга чиқади. Орадан беш-олти кун ўтгач унинг оёқ ва қўл бўғинларида қаттиқ оғриқ пайдо бўлиб, ўрнидан туролмайди. Юрагида ҳам оғриқ туриб, тез-тез ура бошлайди. Шундан сўнггина болани шаҳарга юборадилар. Таклиф қилинган врач Неъматжонда бод касаллиги мавжуд эканлигини аниқлаб, унга кераклик маслаҳат, дори-дармонларни ёзиб беради-да, беморни клиникага ётқизиш зарурлигини таъкидлайди.

Бу мисол мактаб ёшидаги болаларга, уларда учраб турадиган тиш, томоқ ёки қулоқ касалликларига ва тумовга ота-оналар ҳамда мактаб муаллимлари ўз вақтида эътибор беришлари зарур эканлигини кўрсатиб турибди.

Хўш, бод касаллигининг сабаби нималардан иборат ва ундан қандай қилиб сақланиш мумкин?

Маълумки, ҳар бир касаллик микроби бўлганидек, боднинг ҳам ўзига хос микроби бор. Бу микроб бета-гемолитик стрептококк деб аталади. У аввало томоқ оғриғи (ангина) ҳамда юқори ўпка йўллари касаллигининг рўй беришига сабаб бўлади-да, орадан бир қанча вақт ўтгач, оёқ бўғинлари, суяк ва болдирларида оғриқ пайдо бўлади, иситма кўтарилади, юракда ҳам бир оз оғриқ сезилиб, тез-тез ура бошлайди. Шу тариқа бод касаллиги бошланади.

Томоқ оғриғи (ангина) билан касалланганлар албатта бодга дучор бўладиларми, деган савол туғилиши мумкин. Бу саволга биз «йўқ» деб жавоб берамиз. Маълумотларга қараганда, ангина билан касалланганларнинг фақат 3 процентигина бодга дучор бўлган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бод касаллиги ангинасиз ёки енгил равишда рўй берувчи томоқ оғриғидан сўнг ҳам бошланиши мумкин. Шундай ҳолда ҳам бод ўз «ишини» бажаради, яъни юракка шикаст етказади. Боднинг биринчи «ҳужуми» ўз вақтида қайтарилса, яъни керакли дори-дармон қабул қилинса, юракда ҳеч қандай асорат қолмаслиги мумкин. Афсуски, кўпинча бунга эътибор берилмайди.

Бир марта бод «ҳужуми»га учраган бемор яна такрорий «ҳужум»га дуч келиши мумкин ва ҳар «ҳужум»дан кейин юракдаги асоратлар мураккаблашиб, унинг иши оғирлашиб боради. У ўз вазифасини қониқарли бажара олмайди. Натижада асосий қон ўпка томирларида, қолаверса жигарда ва баданнинг бошқа аъзоларида тўпланиб қолади. Организмда қон айланиши секинлашади, аъзолар ва шу жумладан юракнинг ўзи ҳам керакли миқдорда қон, қон орқали кислород ва бошқа зарур моддаларни ололмайди. Баданда шиш пайдо бўлади, беморнинг аҳволи оғирлашиб, нафас олиши қийинлашади. Шуни ҳам унутмаслик зарурки, бод касаллиги жигарни, ўпкани, кўзни, қалқонсимон безни ва мияни ҳам шикастлантириши мумкин.

Бодга қарши курашнинг асосий шартларидан бири баданни чиниқтиришдир. Бунинг учун аввало ёшликдан бошлаб доимий равишда бадантарбия билан шуғулланиш, шахсий гигиенага риоя қилиш, сувдан, ҳаводан ва қуёш нуридан тўғри, тўла фойдаланиш лозим. Бодга қарши курашиш ва унинг олдини олишнинг муҳим чораларидан яна бири уй-жой, ошхона ва мактаб биноларини озода сақлашдир. Йилнинг совуқ фаслларида улар иссиқ, ёруғ ва ҳавоси тоза бўлиши жуда муҳим. Хулас, бодга қарши курашиш калити ҳар бир кишининг ўз қўлида.

Р. АБДУЛЛАЕВ,
медицина фанлари доктори, профессор.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ОСИЁ, АФРИКА, ЛАТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИДА

КОРЕЯ МЕҲНАТ ПАРТИЯСИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

ПХЕНЬЯН. Корея Меҳнат партиясининг конференцияси ўз ишини давом эттирмоқда. Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети раисининг ўринбосари, Корея Халқ Демократик Республикаси Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Ким Ир конференция кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан «Социалистик экономика қурилишининг навбатдаги вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

ВЕНЕСУЭЛАДА СУВ ТОШҚИНИ

КАРАКАС. Венесуэланинг Сукра штатида юз берган сув тошқини вақтида 15 киши ҳалок бўлди ва 20 киши дом-дараксиз йўқолди. Бу ерда бир неча кундан бери сел қуймоқда, Мисоа дарёси тошиб кетиб, қишлоқлар ва экинларни сув босди. Қишлоқ аҳолисидан 1500 оила кўчиб кетишга мажбур бўлди.

БОЛГАРИЯ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ХАНОЙГА КЕЛДИ

Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан Болгария Халқ Республикасинг партия-ҳукумат делегацияси Ханойга келди.

СУБАНДРИО СУД ҚИЛИНМОҚДА

ЖАКАРТА. (ТАСС). Бу ерда Индонезия бош министрининг собиқ ўринбосари ва ташқи ишлар министри Субандрио суд қилинмоқда.

Маълумки, 1965 йил 30 сентябрь воқеалари муносабати билан у «қонуний ҳукуматни ағдариш мақсадида фитна қилганликда» ва «жиноий қупорувчи ҳаракатлар қилишда» айбланмоқда. Махсус ҳарбий трибуналнинг мажлиси бўлиб ўтди. Субандрио бу мажлисларда ўзини айбдор деб тан олишдан бош тортмоқда.

Субандрио ўтган йил 30 сентябрь воқеаларининг сабаблари тўғрисида суд мажлисида гапириб, мен Индонезия Марказий разведка хизматининг раҳбари сифатида давлат тўнтариши қилиш учун уриниб кўришга тайёргарлик кўрилганлигини билар эдим, лекин бундан президент Сукарнони хабардор қилмадим, чунки президентнинг ўзи буни билади, деб ҳисобладим, деди.

Амстердамдаги иккита университетнинг студентлари ҳукуматнинг маориф соҳасидаги сиёсатига норозилик кампанияси бошладилар. Минглаб талабалар стипендиялар анча камайтирилгани сабабли иш излашга ва ўқишни чўзиб юборишга мажбур бўлмоқдалар. Ётоқхоналар қурилиши ҳам олға силжимаяпти. Агар шошилинч тадбирлар белгиланмаса, 1970 йилга бориб, мамлакат бўйича студентлар учун 30 минг хона етишмай қолади. Суратда: Нидерландия пойтахтида студентлар намойиши.

АДН—ТАСС фотоси.

ПЕКИНДА «ХУНВЭЙБИНЛАР» МИТИНГИ

ПЕКИН, 11 октябрь. (ТАСС). «Хунвэйбинлар» («Қизил соқчилар»)нашр этаётган «Шоуду хунвэйбин» газетаси хабаридан маълум бўлишича, 6 октябрда Пекинда Хитойнинг турли районларидан шаҳарга келган «революцион ўқитувчилар ва студентлар»нинг оммавий митинги бўлган.

Митингда Мао Цзэ-дуннинг хотини, ХКП Марказий Комитети «маданий революция группаси» раисининг биринчи ўринбосари Цзян Цин нутқ сўзлади. У тўпланганларга мурожаат қилиб: «Биз сизлардан революцион руҳни ўрганмоқдамиз, биз сизлардан қийинчиликлардан қўрқмасликни, қурбонлар беришдан қўрқмасликни ўрганмоқдамиз! Биз қатъиян сизлар билан биргамиз!» — деб айтди.

Митингда ХКП Марказий Комитети сиёсий бюроси доимий комитетининг аъзоси, ХХР давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лай ҳам гапирди. «Маданий революция» борасида, Чжоу Энь-лайнинг сўзига қараганда, «баъзи бир институцияларнинг раҳбарлари ва ишчиларнинг группалари революцион ўқувчиларни бостирганлар, улар билан курашганлар; чш ҳатто тергов қилиш ва репрессияларгача бориб етган».

Чжоу Энь-лай ўз нутқида: «талабномалар билан Пекинга келаётган ўқувчилар ва ўртоқлар ўз жойларига қайтиб борганларида яна репрессияларга дучор бўлишга йўл қўйиб бўлмайди», деб огоҳлантирди.

Бошқа шаҳарлардан келган «хунвэйбинлар»нинг митингда сўзга чиққан вакиллари Гуйлин, Янчжоу, Сиандаги «бир ҳовуч кишилар революцион ўқувчиларга зарба бермоқдалар», «буюк пролетар маданий революциясига путур етказмоқдалар» деб нолиб гапирдилар.

Бошқа нотиқлар митинг қатнашчиларини «раис Мао раҳнамолик қилаётган пролетар революцияси йўлини» қаттиқ туриб ҳимоя қилишга чақирдилар.

ЖАЗОИРДА СЕЛ

ЖАЗОИР, 11 октябрь. (ТАСС). Бир неча кундан буён Жазоирнинг ғарбий департаментларида сел қуймоқда. Бир минут ҳам тўхтамасдан ёғаётган сел тинч дарёларни даҳшатли оқимларга айлантирди. Мамлакатнинг ғарбий қисмидаги Аласном, Мостаганем, Тиарет ва бошқа департаментлар ёмғирдан айниқса кўп зарар кўрди. Матбуотнинг хабар беришига кўра, фақат Аласном департаментининг ўзида қарийб 7.000 аҳоли бошпанасиз қолган. Юз миллионлаб Жазоир динари миқдорида жуда катта моддий зарар етказилган. Дон экинларининг 20 проценти нобуд бўлган.

Янги қурилаётган Жорф Торба тўғони (Саура департаменти) ёмғирдан жуда катта зарар кўрди. Газеталарнинг ёзишига кўра, тўғонга келтирилган зарар тахминан 2 миллион Жазоир динари ҳисобланади ва тўғон қурилиб бўлишини камида 3-4 ойга кечиктиради.

Жазоирнинг жанубидан Оазис департаментида ҳам кучли сел ёғмоқда. Ана шу райоининг баъзи жойларида сувнинг сатҳи ҳозирдаёқ 120 сантиметрга етди. Бу ҳол департаментнинг кўпгина қишлоқ ва шаҳарларини сув босиш хавфи остида қолдирмоқда.

ВЬЕТНАМ ХАЛҚИ БИЛАН БИРДАМЛИК

БЕРЛИН. Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Давлат Кенгашининг раиси В. Ульбрихт бошчилигидаги Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети ва ГДР ҳукумати делегацияси билан Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, Вьетнам Демократик Республикаси Министрлар Совети раисининг ўринбосари Ле Тхань Нги бошчилигидаги Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети ва Вьетнам Демократик Республикаси Министрлар Советининг делегацияси ўртасида бўлиб ўтган учрашувда иккала давлат ўртасидаги муносабатларга доир масалалар, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтирувчи халқаро проблемалар муҳокама қилинди.

Германия Демократик Республикасининг делегацияси, дейилади учрашув тўғрисидаги ахборотда, АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясини қаттиқ қоралади ва ГДР бу агрессиянинг ҳеч сўзсиз тўхтатилишини талаб қилади, деб айтди. Германия Демократик Республикасининг ҳукумати Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати билан Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронтининг Вьетнам можаросини ҳал этиш учун олиб бораётган курашида уларни қатъиян қўллаб-қувватлайди.

ГДР делегацияси яна шуни ҳам айтдики, АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси муносабати билан барча социалистик мамлакатларнинг, барча коммунистик ва ишчи партияларнинг ҳаракат бирлиги ва бирдамлиги ҳаётий зарурат бўлиб қолди.

(ТАСС).

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Ўзбекистоннинг кўпчилик районларида ҳаво булутли бўлади, айрим жойларда бир оз ёмғир ёғиб ўтади. Шимолий-Ғарб томондан 5-10 метр тезликда, Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Бухоро областларида шамолнинг тезлиги секундига 10-15 метргача боради, чанг-тўзон кўтарилади. Ҳарорат Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Бухоронинг Шимолий районларида 10-15, бошқа районларда 15-20 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда бир оз ёмғир ёғиб ўтади. Кечаси 6-8, кундузи 15-17 даража иссиқ бўлади.

ҲОДИСА

ҚУЛАЙ ВАРИАНТ

Ханти-Мансидан Тюменга кетаётган пассажирлар «АН-2» самолётининг салонига эндигина ўрнашганда уларнинг димоғига тутуннинг аччиқ ҳиди урилди. Бировлар бунга унчалик эътибор беришмади: Ғарбий Сибирда куз жуда иссиқ ва қурғоқ келгани учун торф майдонларида ва ўрмонларда ёнғинлар бўлиб турарди. Бироқ, салонга тутун ҳиди ўрмонлардан эмас, балки яқин ўртадан келаётган эди. Нитролак билан қопланган бирор нарса ёнаётган эди.

— Провода бўлса керак,— деди Иван Варламов геофизик ўртоқларига.— Дарров учувчиларга айтиш керак!

— Биламиз,— кема командири Василий Мокрушин совуққонлик билан жавоб берди.— Бортдаги ўт ўчиргич ишламай қолди. Ҳозир ерга қўнамиз. Тагимизда Эргин қўлини кўряпсизми. Ўша ерга тушамиз-у, ҳаммасини ҳал қиламиз...

Салонда эса тутун борган сари қуюқлашарди. Ҳатто нафас олиш ҳам қийинлашиб қолди. Иллюминаторларда эса аланга кўзга ташланарди.

— Йигитлар, энг муҳими саросимага тушмаслик,— Варламовнинг оғзидан шу сўзлар тушмас эди.

«Йигитлар» орасида икки аёл — отряд бошлиғи Нина Найденова билан старший инженер-геолог Ансатасия Климовичлар ҳам бор эди. Улар ҳам энг муҳими саросимага тушмаслик кераклигини билишарди.

— Ҳеч ким шўнғимасин, ҳеч ким кўлда сузмасин,— Варламов осойишталик билан буйруқ берарди.— Ўчиролмасак баклар портлайди.

Ёнаётган «АН-2» сувга тегиши биланоқ, «ҳаводаги ўт ўчирувчилар» «доира» ҳосил қилдилар. Бировлари самолёт ғилдиракларига, Иван Варламов эса қанотга чиқиб олди. Кун иссиқ, роса куйдиряпти. Краска аллақачон аланга олган! Ҳозир қанотлар ёниб кетади, шубҳасиз портлаш, вассалом... Сувга сакраб сузиб кетаверган яхши эмасмикин, балки ҳаммаси жойига тушиб қолар?

Бироқ, Варламов бир дақиқалик жимликдан сўнг буйруқ берди:

— Сув сепинглар! Рюкзаклар ишга солинсин!

... Салгина ёнган «АН-2» қуёш нурлари остида кўл сатҳида оҳиста чайқалиб кетарди. Унинг ғилдиракларида ҳозиргина хавфдан қутулиб қолган, чарчаган кишилар ўтиришарди. Улар юзларидан оқаётган терни артар экан, бир-бирига қараб жилмайишарди.

Менга тайгалик «робинзонларнинг» қаҳрамонлиги тўғрисида Сибирдаги геология, геофизика ва минерал хом ашё илмий текшириш институтида ҳикоя қилиб беришди. Кейинроқ мен фан кандидати Иван Варламов билан танишдим. У шундай деди:

— Қаҳрамонлик? Бўлмаган гап. Биз фақат қулай вариантни танладик, холос.

Николай МЕНСАК,
АПН мухбири.

КАФИЛЛИККА БЕРСА БЎЛАДИМИ?

НАМУНАЛИ ЖАМОАТ ТАРТИБИ УЧУН

Чилонзор район прокурори кабинетига уч киши кириб келди. Улардан бири:

— Ўртоқ прокурор, биз Октябрь революцияси номидаги заводдан келдик,— деди.

— Жуда яхши, хизмат?— сўради прокурор Обид Акбаров.

Улардан бири прокурорга қоғоз узатди.

— Ҳаммаси шунда ёзилган!

У қоғоздаги ёзувларни диққат билан ўқиб чиқди-да, сўради:

— Бу қоғозга имзо чекканлар орангизда борми?

— Ҳа,— деб жавоб қилди қоғоз узатган киши,— мен шу завод дизель цехи касаба союз комитетининг раиси бўламан, фамилиям — Душин, мана бу киши шу цех бошлиғи ўртоқ Панарин, учинчимиз — ўртоқ Нечкин — ўртоқлик судининг раиси.

— Жуда соз. хафа бўлманглар-ку, Сизларнинг илтимосингизни бажаролмайман, жиноятчини кафилликка беролмайман,— деди прокурор.

Район прокурори сўзининг исботи учун ўтирганларга қонун бўйича ҳар бир ҳолатда ҳам жиноят қилган шахсни жамоат ташкилотига ёки меҳнаткашлар коллективига қайта тарбиялаш ва тузатиш учун кафилликка берилавермаслигини, жиноят содир қилган шахсни жамоат учун унча хавфли бўлмаган, қилган айби оғир оқибатларга сабаб бўлмаган ҳолларда, айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон қилган тақдирдагина кафилга бериш мумкинлигини тушунтирди.

— Кафиллик бериш ҳақидаги қонунга биноан иккинчи марта қасддан жиноят қилган ёки жиноят қилганлиги сабабли илгари кафилликка берилган шахс, шунингдек ўзини айбдор ҳисобламай, ишнинг судда кўрилишини талаб қилаётган шахс кафилликка берилмайди. Афсуски, сиз кафилликка сўраётган шахс ниҳоят даражада оғир жиноятлар қилган. Шунинг учун ҳам, уни кафилликка бериш қонунга ҳам, мақсадга ҳам тўғри келмайди.

— Булар бизга ҳаммаси аён ўртоқ прокурор,— деди В. С. Душин.

— Ундай бўлса сизга тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, жиноий ишни яқин кунларда судга оширамиз,— деб сўзини тугатмоқчи бўлди прокурор.

— Йўқ. сиз бизни тушунмаяпсиз, масала қонунда эмас, қонун-қонунлигича қолаверади, сиз бир амаллаб шу кишини кафилликка беринг,— бўш келмади В. Душин.

Прокурор бу мумкин эмаслигини айтди.

Орадан бир неча кун ўтди. В. С. Душин яна икки кишининг имзоси чекилган, дизель цехи умумий мажлисининг қарори прокурорга топширилади.

Цехда ишловчилардан бир неча киши безорини, у ҳалол, мўмин-қобил, берилган топшириқларни ўз вақтида бажаради, деб мақташиб, охири уни кафилликка олишга қарор қилишибди.

Хўш, М. Шафигин ҳақиқатда отаси айтгандек, ўртоқлари мақтагандекмикан? Наҳотки прокурор атайлаб уни кафилликка бермаётган бўлса, одил қонун талабларига хилоф қилаётган, жамоатчилик фикрини менсимаётган бўлса?

Жиноий ишдаги айблаш фикрида қуйидагилар ёзилган:

— Шафигин Марат Исмоилович 1947 йилда туғилган, маълумоти 9 синф, яқинда талончилик, яъни гражданларнинг шахсий мулкини очиқ равишда ўғирлаб 2 йил қамалиб, шу йилнинг май ойида жазони ўтаб келган, сўнгра Октябрь революцияси номидаги заводга жойлашган. У ерда икки ойлар чамаси ишлаган. Шу йил 10 август кеч соат 9 ларда Ленин комсомоли номли истироҳат боғида жойлашган Навоий номли кинотеатрга маст ҳолда кирган ва томошабинлардан В. П. Медведь деган кишини кўпчилик ўртасида ҳақоратлаган, Медведга пичоқ санчган.

М. Шафигиннинг жинояти бу билан тугамади. Тергов вақтида унинг шу йилнинг 31 июлида юқоридаги боғнинг ўзида Мавлонбеков деган йигитни учратади ва кутилмаганда унинг чап биқинига пичоқ уради.

Мана шу ўтакетган безорини прокурор кафилликка беролармиди? Йўқ, албатта. Шундай экан, М. Шафигиннинг отаси ва дизель цехи коллективи тутган йўл тўғрими! Наҳотки ана шундай жамоат учун ўта хавфли бўлган шахсни коллектив оқласа! Бундай шахслар қаттиқ жазога лойиқдирлар, уларнинг орамизда юриши жамият манфаатлари учун зиддир. Шундай экан, ўйламай-нетмай жиноятчини кафилликка оламиз, деб туриб олиш, жиноятчиларга, айниқса, безориларга қарши курашишни сусайтиради, холос.

Кейинги вақтда безориликка қарши кураш кескин тус олди. Корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари, коллективлар буни ҳисобга олиб, ўз сўзларининг қадрини билишлари, жиноятчиларнинг эмас, жамият ва халқ манфаатларини ҳимоя қилишлари керак. Улар жиноятни яшириш учун эмас, уни тугатиш учун хизмат қилишлари лозим. Октябрь революцияси номидаги завод дизель цехи раҳбарларининг ўтакетган безорини ўз қанотлари остига олмоқчи бўлганликлари уларнинг бу курашга бефарқ қараётганликларидан дарак бермайдими? Марат Шафигин ва унга ўхшаганларга нисбатан шафқат қилиш жамият олдида, халқимиз олдида хиёнат қилиш эмасми?!

Т. МИРЗОКИРОВ,
II класс юрист.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт. 9.30 — Танбур тароналари. 9.45 — «Ишлаб чиқаришда техника тараққиёти» (тож.). 10.10 — «Собир Раҳимов хотираси» (симфоник поэма). 10.30 Опералардан парчалар. 10.55 — Медицина темасида (суҳбат). 11.10 «Беш йилликка қўшилаётган хисса». 11.25 — Кичик концерт. 12.15 — Қўшиқлар. 12.50 — Тожикистон радиоси эшиттириши. 13.30 — Концерт (чет эл оперетта артистлари). 16.15 — «Горький ва музика» 18.10 — «Низомий Ганжавий» (туғилган кунининг 825 йиллигига бағишланган адабий эшиттириш). 18.30 — Концерт. 19.20 — Татар куйлари. 20.00 — «Безорига шафқат йўқ» (рус.). 20.15 — Янги Тошкентни қураётганлар учун эшиттириш ва концерт (рус.). 20.45 — «Бир колхоз коммунистлари» 21.20 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 22.00 — Қардош социалистик мамлакатларда. 22.10 — Концерт (пахта теримида қатнашаётган шаҳарликлар учун). 22.40 — «Звезда Востока» журнали саҳифаларида (рус.). 23.20 — Қўшиқлар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар,** 18.20 — **Янги Тошкент жамоли** (репортаж), 18.40 **В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар** (мактаб ўқувчилари учун). 19.00 «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида.

Рус тилида: 20.00 — **Ўзбекистон КП Марказий Комитети IV пленуми қарорлари амалда. Ёшлар қишлоқда қоляпти** (телеочерк). 20.20 — **Микис Теодоракис — озодлик куйчиси.**

21.20 — **Эртаги кун программаси.**

Москва кўрсатади

21.30 — **«ЦСКА» (Москва) — «Пахтакор» (Тошкент) командалари ўртасида футбол, танаффус вақтида — Телевизион янгиликлар.**

Тошкент кўрсатади

Рус тилида: 23.15 — **Кузнинг охирги ойи** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — **Ильич набиралари** (болалар учун), 17.25 — **Космик салют** (илмий-оммабоп фильм), 17.45 — **Концерт,** 18.45 — **Ажойибот билан учрашув** (телеспектакль).

19.50 дан — **Москва кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 13/Х да **Боғчасарой фонтани,** 14/Х да **Хоразм қўшиғи** (уч пардали опера).

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/Хда **Гамлет,** 14/Хда **Қотил.**

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР:

1966 йил 26 октябрь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-математика фанлари бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Обсерватория кўчаси, 85-уй, Физика-техника институтининг конференц-зали) физика-математика фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

Ғ. Орифов: «Баъзи кўп компонентли системалар нейтронли радиацион ютиш гамма-нурларининг спектрларини текшириш» деган темада.

Д. К. Кайпназаров: «Кремний ва германий монокристалларининг эластик ва эластик эмас хусусиятларига кирувчан нурларнинг таъсири» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

1966 йил 26 октябрь кундуз соат 2 да, СССР соғлиқни сақлаш министрлиги Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг илмий совети мажлисида (Генерал Петров кўчаси, 51-уй, конференц-зал) медицина фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

Э. С. Мухамедалиев: «Болаларда сил менингитини антибактериал препаратлар ва кортикостероид гормонлар билан даволаш натижаси» деган темада.

М. Н. Королёва: «Туғруқда ҳомила ёни сувининг бевақт кетиши» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

1966 йил 26 октябрь кундуз соат 3 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси бўлимининг экономика бўйича бирлашган совети мажлисида Гоголь кўчаси, 70-уй, катта конференц-зал фойеси)

С. Қосимов — иқтисод фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Ўрта Осиё районлари ичида рудасиз юклар ташиш бўйича транспорт-иқтисодий алоқаларининг такомиллашуви» деган темада.

Диссертация билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

1966 йил 26 октябрь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг геология ва геофизика фанлари бўйича бирлашган илмий совети мажлисида (Шота Руставели кўчаси, 114-уй, Геология ҳамда нефть ва газ конларини разведка қилиш институтининг конференц-зали) геология ва минерология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

Ш. Ғ. Саидхўжаев: «Фарғона водийсидаги нефть-газли палеоген ер қатламларининг фациал-литологик ва геохимик хусусиятлари» деган темада.

У. Умаров: «Гидрогеологик прогноз масалаларини электрон-ҳисоблаш машиналарида ечиш методикасига доир» деган темада.

Диссертациялар билан кутубхонада танишиш мумкин. Братск кўчаси, 33-уй).

1966 йил 27 октябрь кундуз соат 3 да В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг химия фанлари юзасидан илмий даражалар бериш бўйича илмий совети мажлисида (Виставка кўчаси, Олий ўқув юртлари шаҳарчаси, химия факультети)

Р. С. Тиллаев — химия фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун: «Винил мономерларини баъзи полимерларга радиацион-химиявий усулда пайвандлаш» деган темада.

Диссертация билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

17-ҚИШЛОҚ ПРОФ-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1966 ўқув йилига
17 ёшдан тортиб

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти экскаватор машинистлари тайёрлайди.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қиладилар 7—10-синфни тамомлаганлик ҳақида аттестат ёки гувоҳнома, турар жойдан оилавий аҳвол ҳақида справка, соғлиғи ҳақида справка, 3х4 сантиметр ҳажмида 2 та фотокарточка, таржимаи ҳол. Паспорт, ҳарбий билет ёки приписка гувоҳномаси шахсан кўрсатилади.

Қабул қилинганлар стипендия, овқат, кийим ва ётоқ билан таъминланади.

Машғулотлар 1 ноябрдан ва 1 декабрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Фарғона область, Поп райони, Уйғурсой посёлкаси.

БАКТЕРИАЛ ПРЕПАРАТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНА (ТашНИИВС)га

русча машинистка, инженер-физик, инженер-қурувчи, старший бухгалтер, қозон ускунасини ремонт қилувчи слесарь, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматик регулировка установкаларига навбатчилар, аппаратчилар, шоферлар, лаборатория ишчилари, ҳайвонлар (отлар)га қаровчи ишчилар, юкчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Тимирязев кўчаси, 29-уй.

Ўзбекистон ССР
ИЛМИЙ-ОММАБОП ВА ХРОНИКАЛ-ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР КИНОСТУДИЯСИГА

кадрлар инспектори, русча машинистка

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор кўчаси, 1-уй. Телефон 7-25-25.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитети коллективи пропаганда редакциясининг редактори С. Тиллахўжаевга отаси **Тиллахўжа ҲАСАНХЎЖАЕВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент тўқимачилик институти ректорати, партия ва жамоат ташкилотлари физика-математика фанлари кандидати, доцент **Усмир Мажитович ҚОДИРОВНИНГ** бевақт вафот этганлигини қайғу билан билдириб, марҳумнинг қариндош ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

«Главупршёлк» ва «Ташупршёлк» коллективлари Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги ўринбосари М. Ҳ. Ҳасановга акаси **Раҳмонжон ҲАСАНОВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдирадилар.

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОРОВ.

Бизнинг адрес ва телефонлар — СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — В36545, Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323, Масъул секретарь — В34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283, Партия турмуши — В33469, В37221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалик — В37604. Адабиёт ва санъат — В32036, В37221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот — В32347, Оммавий ишлар ва хатлар — В39005, В33553, Иллюстрация — В34524, Стенографистка — В37343, Корректура — В37162, Эълонлар — В38142, Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

№ 234. ИНДЕКС 64543. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 08810.